БУТУН ДУН'Ё ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 58 (549)

20 МАРТ СЕШАНБА 1956 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

С'езд партия, касаба союз, хўжалик, комсомол ташкилотларини умумхалқ социалистик мусобақасини кенг авж олдиришга, бу мусобақага раҳбарликни яхшилашга, ишчилар ва колхозчиларнинг ижодий ташаббускорлигини янада юқори кўтариб, бу ташаббускорликни Партия ва Ҳукумат томонидан қўйилган вазифаларни амалга ошириш учун йўллашга чақиради.

(КПСС Марказий Комитетининг ҳисобот доклади юзасидан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XX с'езднинг резолюциясидан).

Ишлабчиқариш ва меҳнатни ташкил этишни янада яхшилайлик

КПСС XX с'езди мамлакатимиз халқ хўжалигининг барча тармоқларини, даставвал социалистик экономика асосларининг асоси бўлган оғир индустрияни бундан кейин ҳам зўр бериб ривожлантиришнинг ғоят катта программасини белгилаб берди. Партиямиз с'езднинг тарихий қарорларидан бениҳоя руҳланган областимиз меҳнаткашлари бутун совет халқи билан бир қаторда жонажон она-Ватанимизни янада бой, янада қудратли қилишдек олижаноб мақсад йўлида зўр ғайрат ва ижодий тажаббус кўрсатиб ишламоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг ҳисобот доклади юзасидан партия XX с'езднинг резолюцияларида кўрсатилганидек, «саноатнинг ҳамма тармоқлари ва корхоналари томонидан давлат план топшириқларининг фақат яллик маҳсулот бўйича бажарилишигина та'минлаб қолмасдан, шу билан бирга белгиланган номенклатура ва сифат кўрсаткичлари бўйича ҳам бажарилишини та'минлаш;

мавжуд ишлабчиқариш қувватларидан яхши фойдаланиш, корхоналарнинг тўхтаб-тўхтаб ва штурм билан эмас, балки, бир me'ёрда ишлашига, маҳсулотни бутун ой давомида бир текисда чиқариб туришига эришиш...» барча партия ташкилотларининг муҳим вазифасидир.

Социалистик саноатимиз олдига қўйилаётган ғоят катта вазифалар ўз навбатида корхоналарда, қурилишларда ҳамда транспортда ишлабчиқариш ва меҳнатни ташкил этишни тубдан яхшилашни талаб қилмоқда. Чунки ишлабчиқариш ва меҳнатни ташкил этишни яхшиламасдан туриб, уни тинмай такомиллаштирмасдан туриб давлат планларининг тўла ва ошириб бажарилишини та'минлаб бўлмайди.

Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, қаерда ишлабчиқариш ва меҳнатни ташкил этишнинг илғор, прогрессив методлари дадиллик билан кенг жорий қилинаётган бўлса, унинг янги формаларини топиш ҳамда янада такомиллаштириш ҳақида хўжалик раҳбарлари, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари чинакамига ҳамхўрлик қилаётган бўлсалар, у ерда цех, участка, шунингдек бутун корхона график асосида бир me'ёрда ишламоқда, машина ҳамда асбоб-ускуналарнинг қувватидан, ҳомаш'ё ресурсларидан рационал фойдаланиш асосида маҳсулот ишлаб чиқариш узлуксиз ошиб бормоқда.

Главзаготхлоппромнинг Тошкентдаги 1-нчи механика заводи бу соҳада бирқанча муҳим тадбирларни амалга оширди. Корхонада тайёрланаётган машина ва асбоб-ускуналар илгаригари айрим-айрим, индивидуал усулда йиғилар эди. Бу эса ўз навбатида мавжуд ишлабчиқариш қувватларидан яхши фойдаланиш ва бир me'ёрда ишлашга катта тўсқинлик қиларди. Завод инженер-техник ходимлари илғор ишчилар билан ҳамкорликда ишлаб, йиғув участкасида ишлабчиқариш ва меҳнатни ташкил этишнинг прогрессив методи ҳисобланган узловой усулга ўтишни таклиф қилдилар. Бу тадбир йиғув участкасида меҳнат унумдорлигини қариб икки баравар оширди, маҳсулот сифатини яхшилади ва бирқанча ишчиларни бошқа участкаларга ўтказиш, ускуналар қувватидан тўлароқ фойдаланиш, ишчилар ва машиналарнинг бекор туриб қолишини минимумгача қисқартириш, корхона техника-иқтисодий кўрсаткичларини тубдан яхшилаш имконини берди.

Корхоналаримиз йил сайин янги техника билан тобора кўп та'минланмоқдалар, ишлабчиқаришга илғор, прогрессив технология тобора кенг жорий қилинмоқда. Буларда шуни алоҳида кўрсатиб ўтиш керакки, кейинги йиллар мобайнида корхоналарнинг техника жиҳатдан қуроллаиши ғоят даражада ошди, броқ ишлабчиқариш ва меҳнатни ташкил этиш соҳасида жуда оз ўзгаришлар бўлди. Айрим корхоналарда хали-ҳам ишлабчиқариш ва меҳнат эски усулда ташкил этилмоқда. Буни тахминан бирхил шароитда ишлаётган, лекин турлича натижаларга эришаётган корхоналарнинг техника-иқтисодий кўрсаткичлари таққосланган вақтда, айниқса яққол кўриш мумкин. Масалан, «Узбекхсельмаш» ва «Чирчиксельмаш» заводлари қуюв цехларидаги ишлабчиқариш майдонларининг ҳарбир квадрат метридан «Ташкентстильмаш» заводи қуюв цехидагига қараганда икки баравардан ҳам кам қуйилма олинмоқда. «Ташсельмаш» заводида эса қарийб 3,5 ҳисса кам қуйилма олинмоқда.

Корхоналардаги ҳарбир цех ҳарбир участканинг иши бошқа цех ва участкаларнинг ишига бевосита боғлиқдир. Айрим участкада планнинг бажарилмаслиги цехда, қолаверса бутун корхонада планнинг бажарилмай қолишига сабаб бўлади. Шу сабабли ишлабчиқариш ва меҳнатни шундай ташкил қилиш керакки, ҳарбир участка график асосида доимо бир me'ёрда ишласин, мусобақа қатнашчилари доимо ўз нормаларини тўла ва ошириб бажариш имкониятига эга бўлсинлар.

Социалистик хўжалик системаси ишлабчиқариш ва меҳнатни ташкил этишни тинмай такомиллаштириб бориш соҳасида жуда катта имкониятларни яратиб бермоқда. Ана шу имкониятни воқиликка айлантириш учун маҳаллий партия, совет ва касаба союз ташкилотлари корхоналарнинг хўжалик раҳбарларига нисбатан талабчанликни оширишлари, штурмчиликка қарши кураш, график асосида бир me'ёрда ишлаш, иш вақтининг ҳарбир минутидан унумли фойдаланиш, иш ҳақи тўлашни яхшилаш, ишлабчиқаришни янада ривожлантиришда ҳарбир ходимнинг шахсий моддий манфаатдорлигини ошириш принципини оғишмай жорий қилиш учун курашишлари лозим.

Жуда кўп иш процессларини ўзида бирлаштирувчи ҳозирги замон ишлабчиқаришни ҳарбир ишчи меҳнатини рационал ташкил этишни талаб қилаётир. Илғор участкалар ва цехларда ишлабчиқариш ва меҳнатнинг қандай ташкил этилаётганлигини чуқур ўрганиш ва уни бутун коллектив ўртасида кенг оммалаштириш жуда катта аҳамиятга эгадир. Меҳнатни ташкил этишдаги ютуқ ва камчиликларни хартомонлама ўрганиш учун фотография ва хронометраж усулларидан кенг фойдаланиш лозим.

Ишлабчиқариш ва меҳнатни ташкил этишни тинмай яхшилаш вазифалари корхоналарнинг хўжалик раҳбарларидан, партия, касаба союз ташкилотларидан цех бошлиқлари ва мастерларнинг ролини янада оширишни, уларнинг ҳуқуқ ва имтиёзларини янада кенгайтиришни талаб қилади. Цех бошлиқлари ва мастерлар ишлабчиқаришни ва иш жойида меҳнатни бевосита ташкил этучилардир. Кишиларнинг ўз касблари, мойилликлари, қобилиятлари ва шунга ўхшаш хусусиятларини ҳисобга олиб, ишчиларни юқори унум билан ишлайоладиган участкаларга жойлаштириш, уларга ўз мажбуриятларини ошириб бажаришлари учун қулай шароит яратиб бериш, коллектив ўртасида прогрессив иш приёмларини оммалаштириш — ишлабчиқариш командирларининг жонажон ишидир. Омманинг ижодий ташаббусига бошчилик қилиш ва шу асосда ишлабчиқариш ҳамда меҳнатнинг ҳозирги замон талабларига жавоб бермайдиган, меҳнат унумдорлигини тинмай оширишга тўсқинлик қиладиган эски формаларини бузиб ташлаш ва унинг мақсадга мувофиқ, энг қулай формаларини коллектив ўртасида кенг оммалаштириш — маҳаллий партия, совет ва касаба союз ташкилотларининг муҳим вазифасидир.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

Уртоқ А. Э. Ниёзовни Узбекистон ССР Коммунал хўжалик министри қилиб тайинлаш тўғрисида

Уртоқ Амин Эрматович **Ниёзов** Узбекистон ССР Коммунал хўжалик министри қилиб тайинлансин.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ш. РАШИДОВ.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ж. ИЛҲОМОВА.

1956 йил, 19 март.
Тошкент шаҳри.

Ўзбекистон ССР Госпланида техника кенгаши

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қарорига мувофиқ, Ўзбекистон ССР Госпланида Техника кенгаши тузилди. Бу кенгашга фан ва техника ходимлари ҳамда халқ хўжалиги ва маданиятнинг турли соҳаларида ишловчи малакали мутахассислар кирди.

Техника кенгаши Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ва маданиятини ривожлантириш йиллик ва перспектив планларининг проектлари юзасидан хулосалар чиқаради. Шунингдек, ишлабчиқаручи кучларни рационал равишда жойлаштириш билан, ишлабчиқариш процессларини комплекс механизациялаш, янги техникани ҳамда ватан ва четэл фанининг ютуқларини жорий қилиш билан саноат, сув хўжалиги, маданий-маиший қурилишнинг йирик об'ектларининг техника проектларини тузиш билан боғлиқ бўлган ва бошқа масалаларни муҳокама қилиш ҳам кенгаш вазифасига киради.

Техника кенгашининг раиси қилиб Ўзбекистон ССР Госпланининг раиси А. А. Абдурахмонов тасдиқланди. Техника кенгаши составида — Ўзбекистоннинг кўзга кўринган олимлари: Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги А. С. Содиқов, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги Т. Н. Қориниёзов, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг корреспондент-а'зоси Р. А. Алимов, техника фанлари доктори М. Н. Набиев, геология-минералогия фанлари доктори А. М. Габриельян, техника фанлари доктори М. Т. Ўразбоев, техника фанлари доктори Х. Ф. Фозилов, техника фанлари доктори Б. А. Левкович, қишлоқ хўжалик фанлари доктори В. Е. Еременко ва бошқалар бор. (ЎзТАГ).

Совет Иттифоқида

ВЦСПС IV пленуми

17 мартда Москвада ВЦСПСнинг КПСС XX с'езди якунларига ва касаба союзларининг вазифаларига бағишланган IV пленуми ўз ишини тамомлади. Пленумда сўзга чиққанлар партия XX с'езднинг ғоят катта аҳамияти тўғрисида, унинг тарихий қарорлари ҳақида гапирдилар. Совет халқи бу қарорларни мамлакатимизда коммунизм қуриш учун, бутун дун'ёда тинчликни мустаҳкамлаш учун, марксизм-ленинизм буюк идеяларининг тантанаси учун бундан буёнги курашнинг жанговар программаси деб қабул қилди.

Пленум қабул қилган қарорда айтиб ўтилишича, касаба союз ташкилотларининг энг муҳим вазифаси — касаба союзларининг ишидаги партия XX с'ези кўрсатиб ўтган камчиликларни кат'ият билан тугатишдан, касаба союзларининг фаолиятини ҳаёт талабларига жавоб берадиган янги, юксакроқ даражага кўтаришдан иборатдир.

ВЦСПС пленуми касаба союзларининг барча а'золарини, барча ишчиларни, инженерларни, техникларни, хизматчиларни, фан ва маданият ходимларини ўз куч-қувватларини ва билимларини партия XX с'ездининг тарихий қарорларини амалга ошириш учун, олтинчи бешйиллик план вазифаларини муддатидан илгари бажариш учун сарфлашга чақирди.

ВЦСПС пленуми Совет Иттифоқи Коммунистик Партиясининг ленинчи Марказий Комитетига, совет касаба союзлари коммунистик партияларнинг содиқ ёрдамчилари бўладилар ва марксизм-ленинизм идеяларини амалга ошириш учун актив курашадилар, деб ишонтириб ва'да берди. (ТАСС).


КЎМИР САНОАТИ УЧУН 12.000 МУТАХАССИС

СССР Кўмир саноати министрлиги бу йил кончилик техникумларини тамомлаб чиқадиган ёш мутахассисларни тақсимлаш планини тасдиқлади.

Горловка, Караганда, Ворошиловград, Днепропетровск, Кадиевка, Воркута, Харьков, Южна-Сахалинскда ва бошқа жойларда кўмир саноатига қарашли 37 та ўрта ўқув юртида ҳозирги вақтда бирнеча ўн минглаб ёш кончи ўқимоқда. Улар кўмир конларида ер тагида ва очиқ усулда кўмир чиқариш техникасини, кончилик электромеханикасини, маркшейдер ишини, кўмирни бойитиш ва брикетлаш технологиясини, кончилик машинасозлигини ва бошқа шу каби ишларни ўрганмоқдалар. Сучанскдаги кончилик техникуми ёлғиз ўзигина бу йил Узоқ Шарқдаги шахталар учун ўрта малакали 200 дан кўпроқ мутахассис тайёрлаб чиқаради. 370 дан кўпроқ киши якин ойларда Харьков саноат транспорти техникумини тамомлайди. Улар Донбасс, Ўрта Осиё, Кузбасс, Узоқ Шарқ, Урал шахталарида ишлайдилар.

Йил охиригача мамлакатнинг кўмир саноатига ҳаммаси бўлиб 12.000 дан кўпроқ ўрта малакали ёш мутахассис юборилади. (ТАСС).

Совет Авиация техникасининг ажойиб ютуғи



Москва яқинидаги Тушино аэродромида Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. С. Яковлев конструкциясидаги «учучи вагон» вертолётида оғир юк кўтариш бўйича иккита янги Бутуниттифоқ рекорди қўйилди.

Учучи Е. Ф. Милютичев тўрт тонна юк билан 2.000 метрдан ҳам баландроққа кўтарилди. Учучи Г. А. Тиняков икки тонна юк билан 5082 метр баландликка кўтарилди. Бу ҳар иккала кўрсаткич совет авиация техникасининг жуда катта ютуғидир.

Учучилардан Е. Ф. Милютичев ва Г. А. Тиняковларнинг эришган бу натижалари В. П. Чкалов номли СССР марказий аэроклубининг авиация спорти комиссияси томонидан Бутуниттифоқ рекордлари деб қайд қилинди. Бу ҳақдаги материаллар Халқаро авиация федерациясига вертолётлар бўйича янги рекордлар деб қайд қилиниши учун юборилди.

А. С. Яковлевнинг конструкциясидаги «учучи вагон» вертолёти дун'ёдаги энг катта вертолётлардан биридир. Машина горизонталь ҳаракатсиз юқорига кўтарилиш имконини беручи иккита винтга эга. Бу винтлар фюзеляжда ўрнатилган икки мотор ёрдами билан ҳаракатга келтирилади.

СУРАТДА: А. С. Яковлев конструкциясидаги вертолёт ҳавода. Доираларда (чапдан ўнгга) — учучи Е. Ф. Милютичев ва Г. А. Тиняков.

А. Павлов фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

Озарбайжон, Латвия, Эстония, Тожикистон, Туркманистон ва Арманистон ССР 1956 йил I кварталда сут тайёрлаш ва закупка қилиш планини муддатидан илгари бажардилар

Озарбайжон, Латвия, Эстония, Тожикистон, Туркманистон ва Арманистон қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари чорвачиликнинг маҳсулдорлигини ошириш учун социалистик мусобақани кучайтириб, сут етиштиришни кўпайтирдилар ва 1956 йил I кварталда сут тайёрлаш ҳамда закупка қилиш планини муддатидан илгари бажардилар.

Мазкур республикалар 1956 йил 10 мартгача давлатга 978 минг центнер сут ёки ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 384 минг центнер кўп сут топширдилар ва сотдилар.

Туркманистон ССР I кварталда сут тайёрлаш ва закупка қилиш планини 185 процент, Латвия ССР 155 процент, Тожикистон ССР 147 процент, Озарбайжон ССР 142 процент, Эстония ССР 136 процент ва Арманистон ССР 128 процент бажарди.

Техника билим юртлари ўқувчиларининг каникуллари

Мамлакатда яқинда ташкил қилинган техника билим юртлари ёшлар ўртасида катта обрў қозонди. Ҳозирги вақтда 440 та ана шундай билим юрти бор. Уларда 117 мингдан кўпроқ киши ўқиб турибди. Йигит ва қизлар малакали ишчи бўлиб етишишга тайёрланмоқдалар. Улар машина ва автоматларни налалка қилучилар, автомобиль ва тракторларни ремонт қилучи слесарлар, кўмир қазийдиган комбайнларнинг машинистлари, станларнинг вальцовчиклари касбларини ва бошқа шу каби мураккаб касбларни ўрганмоқдалар.

Ҳозирги вақтда ўқувчиларнинг каникуллари бошланди. Москвалилар каникулларини кишлоқдаги ёшлар ва завқли ўтказадилар. 1-нчи ва 7-нчи техника билим юртларининг ўқувчиларидан бир группаси Ленинградга экскурсияга боради. Улар буерда шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари билан танишадилар. Билим юртларида ва меҳнат резервлари марказий маданият уйида истироҳат кечалари, баҳорги баллар, олимлар билан, ёзучилар, ишлабчиқариш новаторлари билан учрашувлар ташкил қилинади.

«Меҳнат резервлари» жамиятининг шаҳар спорт клуби бокс, волейбол, баскетбол, гимнастика бўйича оммавий мусобақалар ташкил қилади. Мингларча ёшлар чанги юришлари ўтказадилар, театр, кино, музейларга борадилар. Ўқувчилардан кўплари дам олиш уйларига путёвка олдилар. (ТАСС).

Қишлоқ хўжалигини механизациялаш билим юртларига қабул

Мамлакатнинг областьларида, ўлка ва республикаларида қишлоқ хўжалигини механизациялаш билим юртларига ўқувчилар қабул қилинмоқда. СССР Министрлар Совети хузуридаги Меҳнат резервлари бош бошқармасининг ма'лумотларига қараганда, март ойининг биринчи декадасида бу ўқув юртларига 90 мингдан кўпроқ ўқучи қабул қилинган. Улар бир йил мобайнида кенг профелли тракторчи-машинист ихтисосини эгаллаб олдилар.

Киргизистон, Молдавия, Эстония, Олтой ўлкаси, Брянск, Омск, Новосибирск, Смоленск ва бошқа областьлар, Коми, Марий ва Мордва АССР билим юртларига ўқувчилар қабул қилишни тамомладилар. Бу ерларда ўқучиларнинг машғулотлари бошланди.

Қозогистонда, Белоруссияда, Бошқирдистонда қабул уюшқоқлик билан ўтмоқда.

Қишлоқ хўжалигини механизациялаш билим юртлари апрель ойида яна 50 минг киши қабул қиладилар. Ўқучилар асосан МТС ва совхоз ходимлари орасидан олинади. (ТАСС).

Илмий-текшириш ишларини партиямиз қўйган талаблар даражасига кўтарамиз

(Узбекистон ССР Фанлар академиясининг академик-секретари Ўртоқ А. ЮНУСОВ билан суҳбат)

Узбекистон олимлари партия ва ҳукуматимизнинг бениҳоя ғамхўрликларини чуқур ҳис қилиб, кейинги йилларда кўпгина муҳим тадбирларни амалга оширдилар, республикада фанни янада ривожлантиришда ва халқ хўжалиги учун муҳим бўлган илмий проблемаларни ҳал қилишда анчагина ишлар қилдилар.

Аввало шуни айтиш керакки, республикамиз қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоғи пахтачиликнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш олимларимизнинг диққат марказида турди. Жумладан пахта толасининг физик-химик хусусиятларини ўрганиш, ғўза зараркунандаларига қарши курашмоқ учун химиявий препаратлар яратиш соҳасида бир қанча муҳим тадқиқот ишлари олиб борилди. Ўғитнинг янги турлари, пахта намлигини тез аниқлайдиган асбоблар яратилди. Шунингдек, олимларимиз пахта далалари ҳосилдорлигини ва микро-иқлимини олдиндан белгилаш масалалари билан ҳам қизиқдилар. Фанлар академиясининг нишонли атомлардан фойдаланиш йўли билан ғўзани барги орқали озиқлантириш юзасидан ишлабчиққан тавсиялари айниқса катта истиқболга эгадир.

Химия институтининг илмий коллективи Чирчиқ электрохимия комбинати билан ҳамкорликда уюшиб қотиб қолмайдиган селитра ишлабчиқариш методлари ва технологиясини яратди. Бу, қишлоқ хўжалигида селитрадан яхшироқ фойдаланиш ва кўпгина маблағни иқтисод қилиш имкониятини беради. Ҳозир химия институти кашф қилган метод иккита химия комбинатида қўлланилмоқда. Бу метод яқин келажакда мамлакатимизнинг ҳамма азотўғит корхоналарида ишлабчиқаришга жорий қилинади. Институтнинг таклифига мувофиқ Тошкент битум заводида нефтьни сувсизлантириш методи қўлланилиши туфайли йилига 2 миллион сўм иқтисод қилинмоқда.

Бундай мисолларни Фанлар академиясининг бошқа институтлари фаолиятидан ҳам келтириш мумкин. Лекин шуни айтиш кифоядирки, кейинги икки йил ичида Фанлар академияси тегишли ташкилотларга 60 дан ортиқ тугалланган илмий ишларни ишлабчиқаришга жорий қилиш учун топширди. Бундан ташқари «Узбекистон ССР тарихи» биринчи томи, рус ча-ўзбекча луғатнинг беш томлиги, буюк олим Абу Али Ибн Синонинг «Тибқонунлари»нинг икки томи нашр этилди. Булар республикамиз маданий ҳаётида муҳим воқиадир.

Коммунистик жамият қуришнинг амалий масалалари ҳал қилинадиган олтинчи бешйилликда олимларимиз илм ва фанни ривожлантириш йўлида янада зўр ғайрат билан ишлашлари лозим. Олтинчи бешйиллик план Директиваларида фанни бутун чоралар билан ривожлантириш, илм-фаннинг барча соҳаларида назарий-текшириш ишларини кенгайтириш, илмий-текшириш институтларининг ишларини қайта қуриш, уларнинг фаолиятини хўжаликнинг конкрет эҳтиёжларини қондиришга кўпроқ яқинлаштириш вазифаси қўйилган.

Фанлар академияси ана шу муҳим кўрсатмаларга асосан ўз ишига танқидий нуқтаи-назардан қараб, қайта қурмоқда.

Ма'лумки, пахтачилик республикамиз экономикасининг асосий тармоғи ҳисобланади, Иттифоқимизда етиштириладиган пахтанинг учдан икки қисмини Узбекистон беради. Шунинг учун пахтачиликни бундан буён ҳам ривожлантириш республика олимларининг диққат марказида турадиган асосий масалалардан биридир. Пахтачилигимиз яхши ривожланган бўлишига қарамай, хали у табиат тасодифларидан бутунлай қутилган эмас. Бундан ташқари пахта етиштиришга хали ҳам жуда кўп меҳнат сарф қилинмоқда. Шунинг учун пахтанинг тезпишар сортларини топиш, унинг ҳосилдорлигини ошириш йўлларини ишлаб чиқиш ва ғўза ўсишининг асосий биологик қонунларини кашф этиш керак. Пахтачиликни, айниқса йиғим-терим ишларини тўла механизациялашга эришиш ҳам ҳозирги кунда энг актуаль проблемадир.

Республика Фанлар академияси СССР Фанлар академияси ва Марказий илмий-текшириш институтлари билан биргаликда фаннинг муҳим принципиал масалаларини ҳал этишга ўз ҳиссасини қўшиши керак. Шунга мувофиқ ҳозирги замон физика, математика ва химия фанлари, ядро энергиясидан ва радиактив изотоплардан халқ хўжалигида фойдаланиш, электроника ва ярим'ўтказгичлар, саноқли математика ва функционал анализ, сув энергетика ҳамда ирригация системаларини автоматлаштириш ва телемеханизациялаш каби соҳаларда илмий-текшириш ишлари олиб борилади.

Алкалоидлар химияси соҳасидаги текширин ишларини ривожлантириш, Узбекистон ССРнинг минерал-хомаш'ё ресурсларини, ер фондларини ва тупроқнинг мелиоратив ҳолатини ўрганиш юзасидан ҳам катта вазифалар турипти. Бу проблемаларни ҳал қилиш химия, геология, гидрогеология, энергетика ва тупроқшунослик соҳаларида чуқур назарий хулосаларга келиш имкониятини беради.

Мевали ўсимликларнинг физиологияси ва биохимияси ҳамда 1954 йилда совуқ уриб кетган мевали дарахтларнинг нобуд бўлиш сабабларини ўрганиш ҳам актуаль масаладир. Бу текшириш натижасида чиқарилган илмий хулосалар янги сортлар топиш ва мевали ўсимликларнинг агротехника усулларини ишлабчиқишда кенг фойдаланилади.

Республикамиз халқ хўжалиги учун муҳим-амалий аҳамиятга эга бўлган проблемаларни ҳал қилишни осонлаштириш мақсадида Фанлар академияси ҳузурида янгидан иккита институт — сув хўжалиги институти ҳамда ўсимлик ҳомаш'ёлари ва пахта химияси институти ташкил қилинди. Ўсимлик ҳомаш'ёлари ва пахта химияси институти асосан пахта етиштиришни кўпайтириш, унинг ҳосилдорлигини ошириш ва пишишини тезлаштириш каби муҳим илмий проблемаларни ҳал қилиш билан шуғулланади.

Янги институтларнинг ташкил қилиниши муносабати билан Фанлар академиясининг ҳозирги химия институти асосий э'тиборни минерал ўғитлар, силикатлар химияси, туз ресурсларини ўрганиш ва ундан фойдаланиш, рангли ва нодир металлар химияси каби масалаларни ҳал этишга қаратади.

Юқорида қайд этилгандардан ташқари янги бешйилликда республиканинг табиий бойликларини ўрганиш анча кучайтирилади, кўмир, нефть селикатлар, пахта толаси, геология, сув хўжалиги соҳасидаги тадқиқотларни, йиғма темир-бетон конструкцияларнинг ер қимирлашга бардош беришини ошириш ишлари жонлантирилади. Илмий-текшириш ишларимизда атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш, ҳисоблаш техникасини ишлабчиқаришга жорий қилиш ва тадқиқот методикасини такомиллаштириш билан алоқалор бўлган масалаларга ҳам жиддий э'тибор берилади.

Шарқшуносларимиз Ўрта Осиё халқларининг четэл шарқи билан бўлган қадимий иқтисодий ва маданий алоқалари тарихини ҳамда Шарқ мамлакатларининг сиёсати, маданияти ва иқтисодини ўрганишни кучайтирадилар. Бундан ташқари гуманитар фанлар соҳасида экономика, адабиёт ва тарихга доир катта монографик илмий асарлар ҳам яратиш планлаштирилган.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, партиямиз XX с'езди қарорларидан илҳомланган олимларимиз партиямиз қўйган талаблар даражасида ишлаб, олтинчи бешйилликда фанни янада ривожлантириб, уни янги кашфиётлар билан бойитадилар.

Шаҳар ва район партия активининг йиғилишларида

БЕКОБОД

Бекобод шаҳар ва район активининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда Тошкент область партия комитетининг секретари ўртоқ Б. Попов КПСС XX с'ездининг якунлари ҳамда Бекобод шаҳар ва район партия ташкилотларининг вазифалари ҳақида доклад қилди.

— Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XX с'езди, — деди докладчи,— совет кишиларининг сиёсий активлиги ва меҳнат ғайрати гоят ўсган, партия билан халқнинг қудратли бирлиги бениҳоя кучайган ва жонажон партиямиз Марказий Комитети теварагига ҳарқачонгидан ҳам мустаҳкам жипслашган бир вазиятда ўтди. С'езд қарорларида коммунистик жамият қуриш, халқнинг моддий ва маданий турмуш даражасини янада яхшилаш, бутун дунёда барқарор тинчлик ўрнатиш учун курашнинг улуғвор программаси белгилаб берилди.

Докладчи Ўзбекистон меҳнаткашлари мамлакатимиздаги барча қардош халқлар билан ҳамкорликда ва уларнинг ёрдамида катта муваффақиятларни қўлга киритганликлари, республика саноати ва қишлоқ хўжалиги ўтган бешйиллик мобайнида мисли кўрилмаган даражада ривожланганлигини, буни Бекобод шаҳри ва райони мисолида яққол кўриш мумкинлигини айтди. Бешинчи бешйиллик ичида шаҳар саноатининг ялпи маҳсулоти, қишлоқ хўжалик экинларининг майдони ва ҳосили кўп миқдорда ортди, ишчи ҳамда колхозчиларнинг моддий ва маданий турмуш даражаси янада яхшиланди.

Шу билан бирга, ўртоқ Попов Бекобод шаҳар корхоналарининг фаолиятида жиддий камчиликлар юз берганини, В. И. Ленин номли Ўзбекистон металлургия заводида юнқа тунука ва томга ёпадиган тунука ишлабчиқариш плани, Хилъково цемент заводида маҳсулотнинг айрим турлари бўйича план бажарилмаганлигини, Бекобод район колхозларида ҳам давлат плани ва социалистик мажбуриятни бажаришда жиддий нуқсонлар содир бўлганлигини қайд қилди.

Докладчи, музокараларда сўзга чиққан ўртоқлар Бекобод шаҳар ва район партия ташкилотлари, меҳнаткашлари олдида турган катта вазифалар ҳақида гапирдилар. Олтинчи бешйилликда прокат, цемент ва бошқа саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш анча кўпайтирилиши лозим.

Бу, шаҳар ва район партия ташкилотларидан саноат корхоналари, колхозлар, МТС-ларга раҳбарликни кучайтиришни талаб этади. Актив йиғилишда шу нарса алоҳида кўрсатиб ўтилдики, барча корхоналар, колхозларнинг олтинчи бешйиллик, унинг биринчи йили — 1956 йил планини тўла ва ошириб бажаришларини сўзсиз таъминлаш лозим.

— Биз, — деди В. И. Ленин номли Ўзбекистон металлургия заводи партия бюросининг секретари ўртоқ А. Сергеева, — КПСС XX с'ездининг қарорларини чин қалбимиздан маъқуллаймиз. Чунки бу қарорларда бутун прогрессив инсониятнинг, совет кишиларининг орзу-умидлари ўз ифодасини топган. Ўзбекистон металлургиялари ана шу қарорлардан илҳомланган ҳолда меҳнат қилиб, Ватанимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини оширишга ўз ҳиссаларини қўшадилар.

Ишимиздаги камчиликларни тезроқ бартараф қилишимиз лозим. Ишлабчиқариш воситаларидан талабга жавоб берарли даражада фойдаланилмаётир. Мартен печьлари ремонт учун ортиқча тўхтатилмоқда. Янги техника ишлабчиқаришга сust жорий қилинаётир, илғор тажрибани оммалаштириш яхши йўлга қўйилмаган.

Йиғилишда Молотов номли колхоз раиси ўртоқ Игнатенко КПСС XX с'ездининг қарорлари колхозчиларнинг меҳнат ғайратини мисли кўрилмаган даражада ошириб юборганлиги ҳақида гапирди.

— Колхозимиз а'золари, — деди у, — олтинчи бешйилликнинг биринчи йили — 1956 йил планини ошириб бажариш, шаҳар аҳолисини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан та'минлашни яхшилаш юзасидан социалистик мусобақани кенг қизитиб юбордилар. Сўнгра, ўртоқ Игнатенко ишлабчиқаришни янада ривожлантириш учун колхозларга берилаётган кундалик ёрдамни кучайтириш лозимлиги, бу соҳада МТС-лар асосий роль ўйнаши кераклиги ҳақида гапирди. Шу муносабат билан у МТС раҳбарларини колхозга трактор ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари билан ўз вақтида ёрдам бермаётганликлари учун танқид қилди.

Йиғилишда корхоналарнинг партия ташкилотлари олдидаги асосий вазифа — ишлабчиқаришнинг актуал вазифаларини оператив ҳал қилишдан, оммага раҳбарлик қилиш, оммани тарбиялаш ва унинг ижодий ғайратини тобора оширишдан, меҳнаткашларни хўжалик ва сиёсий вазифаларининг муваффақият билан бажарилиши учун курашга кенг сафарбар этишдан иборат эканлиги алоҳида уқтириб кўрсатилди.

— Бекобод шаҳар саноат корхоналарининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари, — деди Бекобод шаҳар партия комитетининг секретари ўртоқ К. Бекаев, — КПСС XX с'езди арафасида, с'езд ўтаётган кунларда жуда зўр ғайрат билан меҳнат қилдилар. С'езднинг тарихий қарорлари уларнинг ғайратига-ғайрат, кучига-куч қўшди. Барча корхоналарда социалистик мусобақа тобора кенг қулоч ёймоқда.

В. И. Ленин номли Ўзбекистон металлургия заводида доломит фабрикасини ишга туширишга қечиктириб юборилмоқда. Завод партия ташкилоти бу ишга тегишинча э'тибор бермаётир. Асботруба заводида ҳам ана шу каби камчиликлар юз бераётир.

Йиғилишда идеология масалаларига ҳам катта э'тибор берилди. Бу соҳадаги камчиликлар қаттиқ танқид қилинди.

Актив йиғилишида чиқиб сўзлаган коммунистлардан Терехов, Икромов, Қодиров, Рацбаум, Рўзибоев ва бошқа ўртоқлар партия ҳаётининг ленинча нормаларини тиклаш, коллектив раҳбарлик принципини мустаҳкамлаш юзасидан КПСС Марказий Комитети томонидан кўрилган чораларни қизғин табрикладилар ва бундан чуқур мамнун бўлганликларини изҳор қилдилар.

Актив КПСС XX с'езди қарорларини якдиллик билан ма'қуллади. Шаҳар ва район партия ташкилоти уни амалга ошириш, олтинчи бешйиллик план топшириқларини муддатидан олдин бажариш учун, мамлакатимизда коммунистик жамият қурилиши учун курашга коммунистлар ҳамда барча меҳнаткашларни сафарбар этади, деб ишонч билдирди.

И. БАРАКАЕВ.

ОҲАНГАРОН

Барча совет кишилари каби Оҳангарон районининг меҳнаткашлари ҳам КПСС XX с'езди қарорларини якдиллик билан ма'қуллаб қолдилар. С'езд қарорларига жавобан пахтачилик, ғаллачилик ва чорвачиликни ривожлантириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш йўлларини белгиламоқдалар.

Докладчи — район партия комитетининг секретари ўртоқ Муҳамедов ва музокарада чиқиб сўзлаган нотиқлар район колхозлари ўтган йили пахта ва ғалла тайёрлаш планини муваффақият билан бажарганликлари, чорвадорлар КПСС Марказий Комитети январь Пленуми қарорларини амалга ошириш учун курашиб, чорвачиликни ривожлантириш, гўшт, сут, жун, тухум етиштиришни кўпайтириш соҳасида айрим муваффақиятларга эришганликларини та'кидладилар. Шу билан бирга бу соҳада ҳали жиддий камчиликлар ҳам бор. Қишлоқ хўжалик экинлари ҳосили ва чорва маҳсулдорлиги ҳамон пастлигича қолиб келмоқда. Асосий вазифа — олтинчи бешйиллик планининг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги топшириқларини, 1956 йил планини барча кўрсаткичлар бўйича тўлатўкис ва ошириб бажариш учун кўклам экин кампаниясини муваффақият билан ўтказиш, чорвачиликни янада ривожлантириш учун курашда қат'ий бурилишдан иборат.

— Колхозимизнинг а'золари, — деди Каганович номли колхознинг раиси ўртоқ Кўшоқов, — партия ташкилоти раҳбарлиги остида пахтачилик, чорвачиликни янада зўр бериб ривожлантириш учун қизғин курашга олиб бормоқдалар. Бригада, звено бошлиқлари, чорвачилик ходимлари с'езд қарорларига жавобан ўз зиммаларига оширилган мажбуриятлар олмоқдалар. Партия, совет, қишлоқ хўжалик органларининг асосий вазифаси — район олдидаги хўжалик ва сиёсий вазифаларнинг муваффақият билан бажарилишини та'минлашдан иборат.

Лекин районда мўл ҳосил учун курашнинг ҳозирги аҳволи талабга мутлақо жавоб бермайди. Кўпчилик колхозларда шу чоққача ғалла экиш бошлангани йўқ. Район бўйича 9400 гектар галладан ҳали 1000 гектари ҳам экилгани йўқ.

МТСларнинг раҳбарлари трактор ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари ремонтини тезлатиш, ер ҳайдашни тезроқ тамомлаш учун ҳаракат қилмаётирлар. Айниқса 2-нчи МТС даги аҳвол ачинарлидир. МТСда чигит ва маккажўхорини квадрат-уялаб экиш учун битта ҳам сеялка тайёрланмаган. Ер ҳайдаш сур'ати жуда паст. МТС зонасидаги колхозларда экиш кампаниясига тайёргарлик ниҳоятда сust бормоқда. Далага маҳаллий ўғит чиқаришга э'тибор берилмаётир. Ариқзовурларнинг энди 25 процентигина тозаланган, холос.

Жданов номли колхозда далага ўғит чиқаришга ажратилган 10 аравадан фақат иккитаси ишламоқда. Колхозчилар ўртасида меҳнат интизоми бўшашиб кетган. Андреев номли ва бошқа айрим колхозларда ҳам аҳвол шундай.

2-нчи МТС партия ташкилотининг секретари Ёқубов, Андреев номли колхознинг раиси Набиев, 1-нчи МТС директори Кошкин ва бошқа ўртоқлар чорвачиликни ривожлантириш, соғин сигирлардан олинаётган сут миқдорини кўпайтириш учун курашни кучайтириш кераклиги ҳақида гапирдилар. Улар колхозларда эски беда майдонларини тартибга солиш юзасидан етарли иш олиб борилмаётгани, янги беда ва маккажўхори экишга киришилмаганлигини кўрсатдилар. Айрим колхозларда сигирлардан жуда кам сут соғиб олинмоқда. Молотов номли колхозда февраль ойида ҳарбир сигирдан атиги 2 литрдан сут соғиб олинган. Ленин номли колхозда қўлда боқишга ўтказилган сигирлар яхши парвариш қилинмаётир.

Актив йиғилишининг қатнашчилари КПСС XX с'езди қарорларини якдиллик билан ма'қулладилар. С'езд қарорларини муваффақият билан амалга ошириш учун амалий тадбирлар белгилаган резолюция қабул қилинди.

Т. ХУШНАЗАРОВ.



Тошкент электромеханика техникуми мамлакатимиз саноат корхоналари учун ҳар йили кўплаб техник-электриклар етказиб бермоқда. Бу йил 120 студент диплом ёқлаганидан кейин ишлаш учун жойларга юборилади. **Суратда:** студентлар электр машиналари лабораториясида практик машғулот ўтказмоқдалар.

И. Душкин фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Қисқа сатрларда

***Сирдар'ё** район маданият бўлими аҳолига кино хизматини яхшилаш ишига жиддий э'тибор бермоқда. Райондаги «Коммунизм», Боровилов номли, Каганович номли, Маленков номли, «XVIII партконференция» ва Шевченко номли колхозларда кўрсатилган «Тоҳир ва Зуҳра», «Чапаев» ҳамда «Юксак мукофот» каби кинофильмлар меҳнаткашларда катта таассурот қолдирди.

Т. Ҳайдаров.

***Верхне-волинск** районидаги Карл Маркс номли колхозда 800 дан ортиқ колхоз а'зосининг уйи электрлашди ва радио точкалари ўрнатилди.

Бу йил ҳам колхоз қишлоғи қиёфасини ўзгартириш ва обод қилиш учун катта маблағ ажратилди. Қишки клуб ҳамда 150 янги типовой уй-жой бинолари қурилади. Район марказида ҳозир универмаг ва чойхона бинолари қуриб битказиш олдида турипти. Бу бинолар атрофига 5500 туп турли манзарали ва мевали дарахт кўчатлари ўтқазилмоқда.

П. Самбетов,
Қ. Қурбонбоев.

***Янгийўл** район Свердлов номли қишлоқ хўжалик артельдаги радиоузелнинг иши яхши йўлга қўйилган. Бу йил райондаги 550 хонадоннинг уйига радиоточка ўрнатилди. Ҳозир райондаги колхоз а'золарининг деярли ҳаммасининг уйида радио бор.

М. Юсвалиев.

***Сталин** районидаги Большевик, Янгиобод, Ўзгариш ва Самарқанд дарвоза кўчаларига асфальт ётқизилди. Кўчалар электр чироқлари билан ёритилди. Водопровод қувурлари ўтказилди. Янгиобод ва Бешёғоч маршрути бўйлаб пассажир машинаси қатнамоқда.

А. Саидаминов,
У. Расулев.

СОВЕТ ҚУРИЛИШИ

Канцеляриячиликка хотима бериш керак

Коммунистик партия XX с'езди томонидан совет халқи олдига қўйилган коммунизм қурилиши вазифаларини ҳал этиш давлат аппаратини янада такомиллаштиришни ва айниқса унинг қуйи ва ўрта звенолари ишини тубдан яхшилашни талаб этади.

Лекин ба'зибир маҳаллий ҳокимият органлари, айрим совет раҳбар ходимлари борки, улар амалий раҳбарлик ўрнига қимматли вақтларини қоғозбозлик, бюрократик ёзишмалар «ижод этиш»га сарфламоқдалар. Меҳнаткашлар депутатлари Чиноз район Совети ижроия комитети (раиси ўртоқ А. Қодибоев) шу тариқада иш тутмоқда.

Тўғри, Чиноз райони ўтган хўжалик йилида қишлоқ хўжалигини, айниқса пахтачилик ва чорвачиликни ривожлантиришда бирмунча ютуқларга эришди. Лекин район ижроия комитети хўжалик ва маданий қурилишга ишнинг кўзини билиб амалий раҳбарлик қилганда, бундан ҳам катта муваффақиятларга эришиш мумкин эди.

Аввало шуни айтиш зарурки, район ижроия комитети ва унинг раиси ўртоқ А. Қодибоев ўз э'тирорларини хўжалик ва маданий қурилишнинг конкрет масалаларига қаратмадилар, сессияларда, ижроком мажлисларида район олдида турган хўжалик ва маданий қурилиш масалаларининг шу кунги вазифалар билан боғлаб ҳал этмадилар. Район ижроия комитети бутун йил бўйи пахтачиликни ривожлантиришга оид асосий масалаларни ҳал этиш ишлари билан деярли шуғулланмади. Бунга мисол қилиб район ижроия комитетида ўтган йили биргина — пахта териш машиналари ремонтининг бориши ҳақидаги масала муҳокама қилинганини кўрсатиш кифоя.

Ма'лумки, МТС қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришини, шу жумладан чорвачиликни ҳам комплекс механизациялашда жуда катта роль ўйнайди. Шундай экан, район ижроия комитети ўзининг бутун э'тиборини МТСга раҳбарликни кучайтиришга, унинг ишини яхшилашда амалий ёрдам беришга қаратиши керак. Лекин район ижроия комитети МТСга телефон орқали, айрим сводкалар олиш билан «раҳбарлик» қилмоқда. Тўғри, МТСнинг иши бирнеча марта ижроком мажлисида муҳокама қилинди, лекин масалалар шошма-шошарлик билан, жойларда аҳвол чуқур ўрганилмагани ҳолда тайёрланди. Бунинг устига ижроия комитет қабул қилинган ўз қарорининг бажаралиши устидан контрольлик қилмади, бошланган ишни охиригача етказмай, фақат қарор чиқариш билан кифояланиб қолаберди. Район ижроия комитетининг ходимлари, шу жумладан ўртоқ Қодибоев ҳам МТСда бўлмайдилар, унинг аҳтиёжи билан, ишчиларнинг турмуш шароити, маданий-маиший аҳволи билан қизиқмайдилар. Ваҳоланки МТС ишчи ва хизматчилари ижроком ходимларини кўришга, улар билан айрим масалаларни ҳал этишга муштоқдирлар.

Партия XX с'езди қишлоқ хўжалигида, шу жумладан чорвачилик соҳасида эришилган ютуқларни, илғор методларни кенг пропаганда қилиш, уларни ишлабчиқаришга дадиллик билан жорий этиш йўли билан чорвачиликни янада ривожлантириш, унинг маҳсулдорлигини оширишдек муҳим вазифани қўйди. Чиноз районида чорвачилик соҳасида илғор методни пропаганда қилиш учун бошқа районларга қараганда кўп ва қулай имкониятлар бор. Масалан, бу ерда 3-нчи ва 4-нчи наслчилик совхозлари бор. Уларда ҳарбири йилига 4500 — 4600 литрдан сут берадиган энг яхши зотли сигирлар бор. Шу совхозлар ва уларда ортдирилган бой тажрибалар асосида район колхозларидаги молларнинг наслини яхшилаш ва уларнинг маҳсулдорлигини ошириш мумкин эди. Лекин район ижроия комитети бу иш билан деярли шуғулланмаётир.

Колхозларда меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, камқувват колхозларга ёрдам бериш масаласи билан район ижроия комитети деярли қизиқмаётир. Ленин номли колхозда меҳнат интизоми айниқса бўшашиб кетган. Бундай аҳволни Ворошилов номли колхозда ҳам учратиш мумкин.

Район ижроия комитети колхозларнинг хўжалик ишларини ҳартомонлама ва чуқур анализ қилиш, уларнинг ишларидаги камчиликларни ўз вақтида топиб, уларни бартараф этиш иши билан шуғулланмаётир. Бирорта колхознинг хўжалик ишлари район ижроия комитетининг муҳокамасига қўйилмади. Партия ва ҳукумат камқувват колхозларга ёрдам бериш, уларни илғор колхозлар даражасига кўтариш район ижроия комитетларининг э'тибор марказида бўлишини алоҳида кўрсатдилар. Чиноз районида Ворошилов номли, Молотов номли ва Шверник номли колхозлар камқувват колхозлардандир. Улар ёрдамга жуда муҳтождирлар. Лекин район ижроия комитети бу колхозларга ўтган йили қандай э'тиборсизлик билан қараган бўлса, ҳозир ҳам ана шундай қараб келмоқда. Бу колхозларда ўғит тайёрлаш ва ташиб олиш масаласи, ер ҳайдаш ишлари, уруғлик чигит тайёрлаш иши ҳам жуда қониқарсиз аҳволда. Бу эса район ижроия комитетида ҳечкимни ташвишлантирмаётир.

Чиноз район ижроия комитетининг ишидаги бу хилдаги камчиликларнинг сабаби шундаки, ижроком қоғозбозлик, бюрократизм ва канцеляриячилик каби яроқсиз метод асосида иш кўрмоқда, ташкилий-оммавий ишларни шу куннинг юксак талаби даражасига кўтараолмаган. Ижроком мажлисларида бўлимларнинг, қишлоқ Совети ижроия комитетларининг ҳисоботлари мунтазам равишда эшитилиб турилмади.

Бу йил Чиноз район меҳнаткашларининг олдида қишлоқ хўжалигини ва айниқса пахтачилик ва чорвачиликни янада ривожлантириш соҳасида муҳим вазифалар турипти. Партия XX с'езди қарорларидан руҳланган район меҳнаткашларининг ғайрати тобора ошиб бормоқда. Район ижроия комитети қоғозбозлик ва канцеляриячиликка узил-кесил хотима бериб, меҳнаткаш колхозчиларнинг куч ва ғайратини хўжалик ишларини янада ривожлантиришга сафарбар этиши керак.

П. ЛУНЕВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

„Медицина пункти ёмон ишламоқда“

Газетамизнинг шу йил 1 февраль сонида юқоридаги сарлавҳа остида редакцияга ёзилган хат босилиб, унда 2-нчи Қорасув қишлоқ Совети ҳузуридаги медицина пункти колхозчиларга ёмон хизмат қилаётгани кўрсатилган эди.

Меҳнаткашлар депутатлари Ўртасарой район Совети ижроия комитетининг раиси ўртоқ Умаровнинг редакциямизга хабар қилишича, текширишда хатда келтирилган фактлар исботланган. Текшириш натижаси район Советининг сессиясида ҳамда медицина ходимлари ўртасида муҳокама қилинган ва медицина пункти ишини яхшилашга қаратилган амалий тадбирлар белгиланган.

ИҚТИСОДИЙ ТЕМАДА

Иқтисодий тежаш—халқ хўжалигини янада ривожлантиришнинг муҳим омилидир

КПСС XX с'езди Коммунистик партия раҳбарлик қилаётган совет халқининг халқ хўжалигининг барча тармоқларини ривожлантиришда қўлга киритган муваффақиятларини якунлади ва мамлакатимизда коммунистик жамият қурилиши сур'атини янада тезлаштиришга қаратилган улуғвор планларни белгилаб берди. Бешйилликда бутун мамлакат халқ хўжалиги билан бир қаторда республикамиз, шу жумладан область-имиз экономикаси янада ривожлантирилади. Олтинчи бешйилликда Ўзбекистонда электр қуввати ҳосил қилиш тахминан 1,6 баравар, кўмир чиқариш — 2,4 баравар, нефть чиқариш — 1,5 баравар, минерал ўғитлар ишлаб чиқариш — 1,9 баравар, цемент ишлаб чиқариш — 3 баравар кўпайтирилади.

Коммунистик қурилишнинг улуғвор программасини изчиллик билан амалга ошириш учун, олтинчи бешйиллик планининг муваффақият билан бажарилишини та'минлаш учун халқ хўжалигининг барча соҳаларида яшириниб ётган битмас-туганмас резервларни қидириб топиш, улардан ишнинг кўзини билиб, тўла ва унумли фойдаланиш, хўжалик қурилишимизнинг ҳамма соҳаларида иқтисодий тежаш учун курашни ҳамавақт катта э'тибор бериб келди. Социалистик хўжалик юргизишнинг методи бўлган иқтисодий тежаш мамлакатни индустриялаштиришда муҳим роль ўйнади. Масалан, урушдан олдинги 13 йил мобайнида турли жамғарма манба'ларидан 300 миллиард сўмдан ортиқ маблағ тўпланди.

Мамлакат халқ хўжалигининг барча тармоқларини, даставвал социалистик экономика асосларининг асоси бўлган оғир индустрияни янада зўр бериб юксалтиришни кўзда тутган олтинчи бешйиллик планни муддатидан илгари бажариш учун умумхалқ кураши бошланган ҳозирги кунда халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида иқтисодий тежаш янада каттароқ аҳамиятга эгадир. Буни қуйидаги мисолдан яққол кўриш мумкин: **СССР Госпланининг ҳисобига қараганда, 1960 йилда ишлабчиқаришни яхши уюштириш ва мавжуд ишлабчиқариш қувватларидан яхши фойдаланиш йўли билан камида 7 миллион тонна чўян, 11 миллион тонна пўлат, 70 миллион тонна кўмир, 100 мингга яқин трактор, 10 миллион тоннадан кўпроқ цемент, 42 миллион жуфт кўн пойафзал ва халқ хўжалиги учун муҳим бўлган бошқа кўпгина маҳсулотларни ишлаб чиқариш мумкин. Агар ана шу маҳсулотларнинг ҳаммасини янги корхоналардан олишга тўғри келганида, у ҳолда 10 дан ортиқ домна печи ва 35 мартен печи, 200 та янги кўмир шахтаси, 2 трактор заводи, 17 цемент заводи ва 8 пойафзал фабрикаси қуриш керак бўлур эди. Ана шу корхоналарни қуриш учун неча миллиард сўмлаб маблағ керак бўлур эди.** Бу гоят гигант рақамлар нимани кўрсатади? Аввало шуни айтиш керакки, ишлабчиқариш ресурсларидан қанчалик тўла ва қанчалик тўғри фойдаланса, биз ўз хўжалигимизни қанчалик тежаб-тергаб юргизсак халқ хўжалигининг барча тормоқларини зўр бериб ривожлантириш соҳасида шунчалик катта муваффақиятларга эришамиз, совет кишиларининг моддий аҳволини янада яхшилаш ва уларнинг маданий савиясини янада оширишда шунчалик катта натижаларга эришамиз.

Халқимизда «Тома-тома кўл бўлур...» деган гоят ҳикматли мақол бор. Дарҳақиқат, тежалган граммлардан килограммлар, килограммлардан тонналар ҳосил бўлади. Масалан, мамлакатимиздаги тўқимачилик корхоналарида асосий хомаш'ё ҳисобланган пахтанинг ҳарбир килограммидан йил давомида 10 граммдан тежаб қолинса, ана шу тежалган пахтадан тахминан 5 миллион жуфтдан ортиқ яркаклар учун ички кийим ва 6 миллиондан ортиқ хотинлар кўйлаги тайёрлаш учун етадиган газмол ишлаб чиқариш мумкин. Ишлабчиқаришда иш вақтини тежаш ҳам катта самаралар беради. Чунки тежалган секундлардан минутлар, минутлардан соатлар, соатлардан эса кунлар ҳосил бўлади. Иш вақтини тежаш — ижтимоий меҳнатни тежаш демакдир. Ўзбекистон тўқимачилик саноати бир минутда хотин-қизлар учун 136 та кўйлак тайёрлашга етадиган ип-газлама ишлаб чиқаради. **Агарда республикамиздаги ип-газлама корхоналарининг ишчилари смена давомида иш вақтининг бир минутини тежасалар, ана шу тежалган вақт ҳисобига Тошкентдек катта шаҳардаги ҳамма ўқувчиларнинг мактаб формалари учун бемалол етадиган миқдорда газмол ишлаб чиқариш мумкин.** Ёки яна бир мисол. Республикамиз тикувчилик корхоналарида бир суткада мобайнида иш вақтининг бир процентини тежалса, бу йилига қўшимча равишда 4,5 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш имконини беради.

Областимиздаги саноат корхоналари, транспорт ва қурилишларнинг коллективлари иқтисодий тежашнинг турли формаларидан унумли фойдаланиб, гоят катта давлат аҳамиятига эга бўлган бу соҳада бирмунча ютуқларни қўлга киритдилар. Ишлабчиқариш новаторлари, рационализатор ва ихтиро'чилар, мутахассислар ва фан ходимлари билан ҳамкорликда ишлаб, корхоналарнинг техника-иқтисодий кўрсаткичларини яхшилашга имкон беручи кўпгина қимматли таклифлар киритмоқдалар, ишлабчиқаришни ва меҳнатни ташкил этишнинг янгидан-янги формаларини топмоқдалар, бу формаларни тинмай такомиллаштирмоқдалар. Амалга оширилаётган бу тадбирлар машина ва агрегатлар қувватидан тўла фойдаланиш, уларнинг иш вақтида бекор туриб қолишини минимумгача қисқартиш, тайёрланаётган маҳсулотнинг ҳарбир единицасига сарфланаётган хомаш'ё нормасини систематик суратда камайтириш, кўплаб материал, ёқилғи ва электр қувватини тежаш, ишлабчиқариш процесслариии қисқартиш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва шу асосда маҳсулот ишлаб чиқаришни тобора кўпайтириш, унинг сифатини яхшилаб, таннархини камайтириш имконини беради. Масалан, Тошкент тўқимачилик комбинати ва Чирчиқ электрохимия комбинатининг рационализаторлари ҳамда ихтиро'чилари ўтган йили давлатнинг 10 миллион сўмдан ортиқ маблағини иқтисод қилдилар.

Яқинда Чирчиқ электрохимия комбинатида технология режимини назарий жиҳатдан асосланган ҳимия процесслариға яқинлаштириш асосида мавжуд резервлардан унумли фойдаланиш ҳаракати бошланди. Бу ҳаракатнинг ташаббускори комбинат аппаратчиси Серсенбой Бойқўзиев бўлди. У, асбоб -ускуналарнинг ҳамда ўғит тайёрланаётганда ҳосил бўладиган процесслариинг ўзига хос хусусиятларини чуқур ва ҳартарафлама ўрганиш асосида маҳсулот тайёрлашга сарфланадиган моддаларнинг энг фойдали нормасини аниқлади. Ишлабчиқариш новатори маҳсулотнинг ҳарбир килограммига сарфланадиган азот кислотасини планда белгиланган 8 граммдан 3,5 граммгача камайтирди. Бу усул кўп миқдорда кислота иқтисод қилиш ва тежалган хомаш'ё ҳисобига ҳар ойда бирнеча 10 тонна аммиак селитраси ишлаб чиқариш имконини беради. Серсенбой Бойқўзиев методи асосида ишлайбошлаган аппаратчилардан Мария Коротина, Надежда Чумак, Сеидқосим Сейлов ва бошқа ўртоқлар шу йил февраль ойининг ўзида 3—4 минг сўмликдан маблағ тежадилар.

Броқ, умуман олганда областимиздаги кўпгина корхоналарнинг раҳбарлари социалистик хўжалик юргизишнинг методи бўлган иқтисодий тежашга етарли э'тибор бермаётирлар. Бундай раҳбарлар арзимаган майда-чуйдалар бўлиб кўринган, аслида эса аҳамияти катта бўлган граммлар ва секундларнинг қадрига етмаётирлар. Бу эса ўз навбатида экономикамизни янада ривожлантириш ишларига катта зарар етказмоқда. Корхоналарда хўжасизлик натижасида ҳамда материаллари, хомаш'ё, ёқилғи, электр қуввати, асбоб-ускуна ва бошқа моддий бойликларни тежаб-тергаб сарфламаслик натижасида катта нобудгарчиликка йўл қўйилмоқда, ишлабчиқаришда брақдан кўрилаётган зарар ҳали ҳам кўп. Масалан, «Ташсельмаш» заводида ўтган йили корхонанинг бир ой муддатда ишлаши учун етарли миқдорда бўлган электр қуввати ортиқча сарфланган. «Чирчиқсельмаш» заводида 1955 йилда брақдан 1,5 миллион сўмдан ортиқ, «Средазхиммаш» заводида эса 1,3 миллион сўмга яқин зарар кўрилган.

Жамоат бойлигини сарфлашда бундай нобудгарчиликлар ва исрофгарчиликлар шунинг оқибатида юз бермоқдаки, юқоридаги корхоналарда ва бошқа хўжалик ташкилотларида ҳали ҳам ишлабчиқариш қувватларидан қониқарсиз фойдаланилмоқда, хўжасизлик билан иш юргизилмоқда, буюмлар ишлабчиқариш учун сарфланадиган меҳнат ва хомаш'ё нормалари ишлабчиқариш ҳамда меҳнатни ташкил этишнинг прогрессив методлари ҳисобга олинмай белгиланмоқда, янги техника ва илғор технология сust жорий қилинмоқда, устама ва унумсиз харажатлар кўпайиб кетмоқда.

Айниқса қурилиш ташкилотларида иқтисодий тежашга етарли э'тибор берилмаётир. Шунинг оқибатида кўпгина бинолар планда белгиланганидан анча қимматга тушмоқда. Қурилиш участкаларида меҳнатни ташкил этишдаги жиддий камчиликлар мавжуд механизмлардан тўла фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва шу асосда бинокорлик ишлари сур'атини тезлаштириш, бинолар сифатини яхшилаб, уларнинг таннархини камайтиришга салбий та'сир қилмоқда, материалларни сарфлашда хўжасизликка йўл қўйилмоқда, унумсиз харажатлар кўпайиб кетмоқда. Олмалиқ маҳаллий қурилиш бошқармасида ғишт, ёғоч, цемент ва бошқа бинокорлик материалларидан рационал фойдаланмаслик туфайли ва ортиқча исрофгарчиликларга йўл қўйилиши туфайли 1955 йилда давлатга 1 миллион сўмдан ортиқ зарар келтирилди.

Корхоналарнинг экономикасини чуқур ўрганмаслик, уларнинг фаолиятига конкрет раҳбарлик қилмаслик натижасида ишлабчиқаришдаги штурмчилликка ҳали ҳам батамом хотима берилмаган. Штурм билан ишлаш ишлабчиқаришни нормал ташкил этишга, асбоб-ускуналардан унумли фойдаланишга, маҳсулот сифатини яхшилаб ва таннархини камайтиришга жиддий равишда тўсқинлик қилади, сверхурочний ишларга тўланадиган унумсиз чиқимларни кўпайтиради, хомаш'ё, ёқилғи, электр қуввати ва бошқа хил материалларнинг кўплаб исроф қилинишига сабаб бўлади.

Социалистик экономикамизнинг барча соҳаларида қўшимча жамғарма тўплашга имкон беручи резервлар битмас-туганмасдир. Омманинг ижодий ташаббусини ана шу бой резервларни қидириб топишга, улардан тўла ва унумли фойдаланишга сафарбар қилиш, хўжасизлик ҳамда исрофгарчиликнинг ҳарқандай кўринишларига қарши шафқатсиз кураш олиб бориш, меҳнаткашларни жамоат мулкини кўз қорачиғидек сақлаш руҳида тарбиялаш муҳим аҳамиятга эгадир. Социалистик тузумнинг мукаддас ва бузилмас асоси бўлган ижтимоий мулкни тежаб-тергаш, уни тобора кўпайтираборишга ҳарбир совет кишисининг мукаддас бурчидир.

Т. АКБАРОВ,
Ўзбекистон Давлат банкаси Тошкент шаҳар бошқармасининг кредит инспектори.

Илғорлар тажрибасини кенг қўлланиб, чигит экишга ҳартомонлама пухта тайёрланайлик!

☆ ☆ ☆

Ўртачирчиқлилар илгариги шуҳратларини тиклашлари керак

Бундан 5—6 йил илгари Ўртачирчиқ райони областимизнинг юқори ҳосилли, йирик пахтакор районларидан бири эди. Бу район пахтакорлари ўша йилларда янгийўллилар билан мусобақалашиб, ҳосилни кескин равишда оширишга эришиб келар эдилар. Кейинги йилларда нима учундир Ўртачирчиқ райони аста-секин камҳосилли районлар қаторига тушиб қолди. Айниқса ўтган икки йил ичида бу ҳол яққолроқ сезилаётир.

Илғор районнинг қолоқ бўлиб қолишига асосан қандай фактларни сабаб қилиб кўрсатиш мумкин? Бизнингча, районда кейинги йилларда ирригация-мелиорация ишлари ҳамавақт ҳам кечикиб ва бунинг устига сифатсиз ўтказилмоқда. Ўртачирчиқ район колхозларининг ери бирмунча захкаш бўлганлиги учун зовурларни яхшилаб қазиш, уларни вақти-вақти билан тозалаб туриш ердаги захни қочиришда катта аҳамиятга эгадир.

Шу билан бирга районда юқори ҳосил устаcame'ларининг тажрибаси ҳам кейинги йилларда кам ёйилмоқда. Каганович номли колхознинг уста пахтакорлари Ганиота Матарипов, Санталат Розиқова, Свердлов номли колхознинг а'зоси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Қорабойота Султоновлар раҳбарлик қилган бригада ва звеноларнинг иши бундан 5—6 йил илгари фақат областимиздагина эмас, ҳатто республикага ҳам машҳур эди. Бу бригада ва звеноларнинг ўша йилларда пахта ҳосилини ошириб, бошқаларга намуна бўлган эдилар.

Ҳозир ана шу илғор, уста пахтакорларнинг тажрибасини оммалаштириш уёқда турсин, бу кишилар тўғрисида ўйлаб ҳам кўрилмаётир. Пахтачилик соҳасида кўп тажрибага эга бўлган Ганиота Машарипов, Қорабойота Султоновлар тўғрисида колхоз правлениелари мутлақо ўйламаётирлар. Ҳозир Ганиота ҳам, Қорабойота ҳам умум ишидан четда қолмоқдалар.

Ўртачирчиқ районида пахта ҳосилининг кескин равишда камайиб кетаётганлигига яна шу нарса ҳам сабаб бўлмоқдаки, райондаги кўпгина колхозларда трактор ишларининг сифатига мутлақо э'тибор берилмайди. Бунга 2-нчи МТС хизмат қилаётган колхозларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Тўғри, МТС ҳар йили ҳам трактор ишлари планини ошириб бажаради, трактор ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналарини ўз вақтида ремонтдан чиқаради. Хўш, шундай экан, нега бу МТС хизмат қилаётган колхозлар пахта ҳосилини чиндан бўлмас даражада камайтириб юбормоқдалар. Масалан, ўтган йили бу МТС зонасидаги колхозлар гектаридан атиги 15—16 центнердан ҳосил етиштирдилар. Ҳосил шу даража кам бўлган экан, қандай қилиб трактор ишлари плани ошириб бажарилди деб айтиш мумкин? Ахир, трактор ишлари натижасини олинган ҳосил даражасига қараб ҳисоблаш вақти келмадимикин?! МТС раҳбарлари (директори Ўртоқ Акопян) сифатсиз бажарилган ишлар тўғрисида сводка беришдан воз кечишлари, чигит экиш, ғўза парваришни давридаги ўз вазифаларини тўла, сифатли бажариш учун барча тадбирларни амалга оширишлари керак.

Ўртачирчиқ районидаги бирқанча колхозларда ҳосилнинг камайиб кетаётганлигига маҳаллий ўгитлардан қониқарсиз фойдаланилаётганлиги ҳам сабаб бўлмоқда. Бирор йил йўққи, колхозлар пахта майдонларига солиш учун етарли миқдорда маҳаллий ўғит тайёрлаб қўйган бўлсинлар. Райондаги қайсибир колхознинг чорва фермасига борманг, маҳаллий ўғит уйилиб ётганлигини кўрасиз. Бу ўғитларни ташиб чиқиш учун колхозларда от-арава ва бошқа улов воситалари етарли. Аммо колхозларнинг раҳбарлари ҳосилни оширишда катта резерв бўлган маҳаллий ўғит тайёрлашга мутлақо э'тибор бермаётирлар.

Районда тузилган графикка кўра, бу йил ғўзаларга солиш учун 60 минг тонна маҳаллий ўғит тайёрланиши керак эди. Афсуски, экиш кунлари яқинлашиб келаётганлигига қарамай, энди 15 минг тоннага яқин ўғит тайёрланипти. Бу соҳада Калинин номли, «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги», Энгельс номли, Маленков номли колхозлар айниқса орқада қолмоқдалар. Район колхозларида тиркаб ишлатиладиган қишлоқ хўжалик машиналарини тайёрлаш ҳам талабга мутлақо жавоб бермайди. Ҳали кўпгина борона, от культиваторлари, окучниклар, аравалар ремонтдан чиқарилгани йўқ.

Ўтган йиллардагидек бу йил ҳам районда ирригация- мелиорация системаларини, сугориш тормоқларини тартибга солиш ишлари жуда суст бажарилаётир. Колхозлар территориясидаги 109 500 кубометр ариқ-зовурдан энди 36 минг кубометри тозаланган. Ўртачирчиқ район партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари шуни унутмасликлари керакки, агар зовурлар ўз вақтида чуқур қилиб қазилмаса, зах сув эрта-индин ер бетига тепиб, чигитнинг униб чиқишини кечиктириб юборади ёки кўпгина майдонда чигитнинг чириб кетишига сабабчи бўлади.

Ўртачирчиқ райони ўз қўшниси Ўртасарой районидан ўтган йили анча орқада қолди. Бу фақат пахта ҳосили етиштиришдагина эмас, балки йиғим-терим ишларини ўтказишда ҳам яққол сезилди. Ўртасаройлилар йиғим-теримни яхши ташкил этиб, ҳосилни тезроқ йиғиштириб олдилар. Натижада улар қарийб барча пахта майдонини кузда шудгор қилиб қўйдилар. Лекин Ўртачирчиқ районида йиғим-терим ишлари ҳаддан ташқари кечиктириб юборилганлиги натижасида кузги шудгор ҳам кўп ерларда ўтказилмай қолди.

Ўртачирчиқ районида бу йил 4200 гектар ерга квадрат-уялаб чигит экиш мўлжалланган. Бунинг учун 70 агрегатда ишлайдиган 500 кишининг ана шу ишга пухта ўргатилиши лозим эди. Афсуски, 1-нчи МТС да ҳам, 2-нчи МТСда ҳам экипаж а'золарини янги усулда ишлашга ўргатиш мутлақо кечиктириб юборилмоқда. 1-нчи МТС директори Пак Сан-ер, 2-нчи МТС директори Акопян Ўртоқлар экиш кампанияси бошланишига саноқли кунлар қолишига қарамай, кадрлар тайёрлаш масаласига жиддий э'тибор бермаётирлар.

Район партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари илғорлар тажрибасини кенг оммалаштиришга, механизациядан тўла ва унумли фойдаланишга эришмоқ учун барча тадбирларни кўришлари зарур.

Ўртачирчиқ район пахтакорлари ва механизаторлари ўзларининг илгариги шуҳратларини тиклаш учун барча имкониятларга эгадирлар. Вазифа — ана шу имкониятларни тўла ва унумли фойдаланишдан иборатдир.

Т. ЙЎЛДОШЕВ,
У. СИДДИҚОВ,
С. МАҲКАМОВ,

«Тошкент ҳақиқати» ва «Мўл ҳосил учун» газеталарининг рейдбригадаси.



«Малик» совхозининг ишчилари ва мутахассисларидан бир группаси жанубий Қозоғистон областининг «Пахтаорол» совхозида бўлиб, бу пахтакор совхознинг ишлари билан танишди. **Суратда:** «Малик» совхозининг директори ўртоқ **И. Иброҳимов** (ўртада, чапдан ўнгга) «Пахтаорол» совхози 11-нчи бригадасининг бошлиғи **Д. Дўстов** билан чигитни квадрат-уялаб экиш тўғрисида суҳбат қилаётир. **А. Аверьянов** фотоси.

Илғор МТС нимани унутмоқда

ВЕРХНЕ-ВОЛИНСК (**«Тошкент ҳақиқати» мухбиридан**). Райондаги 2-нчи МТС хизмат қилаётган колхозларда 3.400 гектар пахта майдонига квадрат-уялаб ва торқаторлаб чигит экиш планлаштирилди. Янги, прогрессив усулга кўчишда ўтган йилги йўл қўйилган хато ва камчиликлардан тўғри хулоса чиқарган МТС механизаторлари бу шарафли вазифани муваффақиятли бажариш мақсадида экишга тайёрланишни эрта бошлаб юбордилар. Мавжуд сеялкаларни янги усулга мослаштириш, агрегатларни сифатли ремонтдан чиқариш ишлари узел методи асосига кўчирилди. МТСда ўзаро социалистик мусобақа байроғи баланд кўтарилиши, дирекция ва бошланғич партия ташкилоти томонидан талабчанлик ва контрольликнинг кучайтирилиши, механизаторларга қулай шароит яратиб берилиши натижасида дастлабки кунларданоқ дуруст натижаларга эришабошланди. 16 та сеялка 60X45, 50X50 схемаси асосида чигит экишга мослаштирилди. Олдий усулда чигит экишда фойдаланиладиган 37 та сеялка, шунингдек 81 та универсал муддатидан илгари тўла ва сифатли ремонтдан чиқарилди.

МТС раҳбарлари квадрат-уялаб чигит экиш учун мутахассис кадрлар тайёрлаш масаласига ҳам катта э'тибор бермоқдалар. Сўнги бир ой ичида 174 киши махсус курсни тамомлаб, экипаж бошлиғи, контролёр, сеялкачи каби касбларни пухта эгалладилар. МТС бош муҳандиси А. Цоткин, бош агроном А. Бараев, участка механиги А. Шестаков, қишлоқ хўжалик машиналари механиги А. Алексеенко ўртоқлар раҳбарлик қилган машғулотлар қизиқарли ва мазмунли ўтказилганлиги туфайли курсга жалб қилинган механизаторлар квадрат-уялаб чигит экиш усулига оид чуқур маълумотларга эга бўлдилар. Курсни тамомлаб, гувоҳнома олган механизаторлар шу кунларда колхоз далаларида тажриба ишлари олиб бормоқдалар. Далаларда ўтказилган 10 га яқин тажриба машғулотларида механизаторларнинг янги усулда чигит экишни мукаммал эгаллаганликлари маълум бўлди.

Шунингдек, МТС ҳузурида қўшимча ташкил қилинган махсус курсни агрономлардан 6 киши, 11 бригада механиги, 13 ёрдамчи механик муваффақиятли равишда тамомлади. Улар чигит экиш кампаниясида трактор бригадаларига муваффақиятли раҳбарлик қилаоладилар.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, МТС механизаторлари олдида экиш кампанияси бошлангунга қадар бажарилиши лозим бўлган катта вазифалар турипти. Улар кузда шудгор қилинмай қолган 500 гектар пахта майдонини қисқа муддат ичида хайдаб бўлиш учун курашишлари керак. МТС раҳбарлари (директори ўртоқ Х. Боймуҳамедов) область қишлоқ хўжалиги бошқармаси томонидан наряд бўйича ажратилган ва янги усулда ишлайдиган 15 та сеялкани ўз вақтида олиб келиш ва уни мавсумга тахт қилиб қўйишга ҳаракат қилишлари лозим.

У. ЖОНГИТОВ.

Қолоқ колхозларни илғорлар даражасига кўтариш учун

КАЛИНИН район партия комитети ва район ижроия комитети Маленков номли, Каганович номли, Булганин номли ва Охунбобоев номли камқувват колхозларни илғорлар даражасига кўтариш тадбирларини белгилаб, уларга амалий ёрдам бермоқдалар. Тошкент шаҳар партия комитети, область статистика бошқармаси бу колхозларни оталикка олдилар.

Райондаги юқори ҳосилли Ворошилов номли, Сталин номли ва генерал С. Раҳимов номли колхозларнинг правлениелари 4 камқувват колхозни узил-кесил қолоқликдан чиқариш учун уларга яқиндан ёрдам бермоқдалар. Бу колхозлар 4 камқувват колхозга 550 тонна уруғлик картошка берадиган бўлдилар. Бундан ташқари, илғор колхозлар сабзавот, картошка ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштиришдаги бой тажрибаларини ана шу колхозларга ўргатадилар.

ДАРАХТ КЎЧАТЛАРИ ЎТКАЗИШ ЎН КУНЛИГИ

Токзорларни ишдан чиқаришга йўл қўйилмасин

Ҳовос районидаги кўпгина колхозларда узумчилик муҳим тармоқ ҳисобланади. Колхозларнинг токзорларида ранг-баранг, егилик, майизбоп ва винобоп узумлар етиштирилади. Илгари «XIX партс'езд» колхозида 180 гектар, Киров номли колхозда 85 гектар, Ворошилов номли колхозда 160 гектар майдонда токзорлар бор эди. Ҳозир эса «XIX партс'езд» колхозида 150 гектар, Ворошилов номли колхозда 140 гектар, Киров номли колхозда 55 гектар ерда токзор қолган. Маленков номли ва бошқа бирқатор колхозларда ҳам токзор майдонлари кенгайиш ўрнига камайиб кетмоқда.

Токзор майдонларигина эмас, балки уларнинг ҳосили ҳам камаймоқда. Колхозлар узумчиликдан кам даромад оладиган бўлиб қолдилар.

Ҳовос район колхозларида узумчиликнинг шу хилда ёмон аҳволга тушиб боратёганлигининг сабаби шуки, колхоз раҳбарлари, агрономлар, қолаберса МТС раҳбарлари ҳам токзорлар парваришига етарли э'тибор бермаётирлар. Токзорларни парвариш қилишда илғор агротехника қўлланилмайди. Шунинг учун токзорларни қайтақуриш ишлари ҳам ўзибўларчиликка тушиб қолган. Токлар вақтида кесилмайди, яхши кўмилмайди, ўз вақтида очилиб, кўтарилмайди, қатор оралари ишланмайди, ўгитланмайди ва ҳоказо.

Киров номли колхозда (раиси М. Эрмаков), «XIX партс'езд» колхозида (раиси Ўртоқ Маилонов) кўпгина майдонлардаги токзорлар бутунлай қаровсиз қолган. Ток қатор оралари бирнеча йиллардан бери ишланмаганидан заранг бўлиб кетган. Токлар ишком, сўри ёки шпалерга кўтарилмаганлиги сабабли улар ён-атрофдаги дарахтларга чирмашиб ўсиб, ёввойиланиб кетган. Бу токлар бирнеча йилдан буён кесилмайди ҳам, кўмилмайди ҳам.

Ўтган йилнинг кузида айрим колхозларда токлар кесилгандан кейин кўмилмасдан, устига фақат рўда ташлаб қўйилган. Шу билан бирга, кеч куз ва қиш даврларида бу токзорларга мол қўйиб юборилган, пайхон қилинган. Натижада моллар рўдаларни титкилаб, токларни очиб юборган ва новда, зангларни ғажиб ташлаган. Бу мас'улиятсизлик шунга олиб келдики, устн очилган токларни совуқ урди, совуқдан омон қолганлари эса мол ғажиши натижасида ишдан чиқди.

Токларни сақлаш ишига Киров номли колхоз раҳбарлари ҳам мас'улиятсизлик билан қарамоқдалар. Масалан, бу йил қишда колхознинг бутун йилқилари токзорга ҳайдалиб боқилди. Бошқача қилиб айтганда, токларни отлар тепкилаб бутунлай ишдан чиқарди.

Бу колхозда анчагина майдонда токзор бўлишига қарамасдан, ҳозиргача ҳам махсус токчилик бригадаси ташкил этилмаган, токзорда ишлаш учун етарли кишилар ажратилмаган. Шунинг учун токзорда қилинадиган барча мавсумлардаги ишлар ҳам фақат қўл учи билангина бажарилади.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Республика колхоз ва совхозларида боғдорчилик ва узумчиликни тиклаш ҳамда уни янада ривожлантириш тўғрисида»ги қарорига биноан, бу йил Ҳовос районидаги колхозларда 15—20 гектардан янги токзорлар барпо этилиши лозим. Броқ бу ҳақда ҳам колхозларда ҳозирга қадар ҳеч қандай кўзга кўринарли иш қилингани йўқ. Токзорлар учун ер ажратиш, уларни кўчат ўтказишга тайёрлаш, ток кўчатлари ва новдалари ҳозирлаш ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Бу ҳол на колхоз раҳбарларини, на МТС раҳбарларини асло ташвишлантирмаётир. Агар иш шу хилда давом этадиган бўлса, Ҳовос район колхозларида янги ток орлар барпо этиш плани бажаримай қолади. Шу билан бирга, эски токзорларни тартибга солиш, уларнинг ҳосилдорлигини ошириш ишлари ҳам барбод бўлиб, токзорларнинг янада камайиб кетиши мумкин.

Ҳовос район партия ва совет ташкилотлари район қишлоқ хўжалигида муҳим тормоқ ҳисобланган узумчиликни тиклаш ва уни янада ривожлантириш учун бутун чорваларни кўришлари, токзорларни парваришсиз қолдириб, ёмон аҳволга тушириб қўйган колхоз раҳбарларини қаттиқ тартибга чақиришлари керак.

Х. БОЙМАТОВ.

Студентларнинг педагогик практикаси

Шу кунларда Низомий номли Тошкент давлат педагогика институти тарих-филология факультетининг III курс студентлари педагогика практикасидан ўтмоқдалар. Тарих бўлими студентлари шаҳардаги 89, 90, 84, 143. 12 ва 76-нчи мактабларнинг 5, 6 ва 7-нчи синфларида қадимги дунё тарихи, ўрта асрлар тарихи, СССР Конституцияси фанларидан практик дарс машғулотлари ўтказмоқдалар.

Москва районидаги 76-нчи мактабда тарих фанидан практик машғулотлар ўтказган студентлардан Ш. Исмоиловнинг «Византия ва Шарқий Европада феодализмнинг ўрнатилиши», У. Умаровнинг «Францияда феодал монархия» темасидаги дарслари яхши баҳоланди. Практикантлар дарс бериш дан ташқари, мактабларнинг пионер ва комсомол ташкилотлари ишлари билан ҳам яқиндан танишмоқдалар, фото-газета ва деворий газеталар чиқаришда уларга актив ёрдам бермоқдалар.

Шунингдек, В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё давлат университети география факультети IV курс студентларининг Октябрь районидаги 111-нчи мактабда ўтказган практик машғулотлари ҳам яхши натижалар билан якунланди. Студентлардан З. Нуриддинов, С. Муродов, А. Нормирзаев ўртоқлар дарс бериш процессида яхши натижаларга эришмоқдалар.

А. АБДУЛҲАМИДОВ,
Р. ОТАҚУЛОВ,
М. БЕКМУҲАМЕДОВ.

Рус тилини севиб ўрганмоқдалар

6-нчи «а» синф ўқувчиси Ким'ё Эргашева кутубхоначига Б. Полевойнинг «Биз совет кишилари» китобини топширар экан, биз ундан сўрадик:

— Сиз, рус тилидаги китобларни ўқиб турасизми?

— Ўртоқларим сингари мен ҳам рус тилида босилиб чиққан ҳикоя, эртак ва бошқа асарларни ўқиб бораман. Бу рус тили фанидан пухта ўзлаштиришимга катта ёрдам бермоқда. Дастлаб, мен,— сўзида давом этди Ким'ё,— ўзбек ўқувчилари учун мўлжаллаб чиқарилган рус тилидаги кичкина китобчаларни ўқидим. Кейин, А. П. Чеховнинг «Ҳикоялари», Космодемьянскаянинг «Зоя ва Шура ҳақида қисса» китобини ўқиб чиқдим.

Октябрь районидаги Ҳамза номли 1-нчи ўрта мактабда рус тилини ўрганиш тўгарагида ўтказилаётган машғулотдан ташқари, ўқувчилар ўртасида рус тилида чиққан бадиий китобларни ўқиш оммавий тус олган. Бу, ўқувчиларнинг рус тили дарсини пухта ўзлаштиришларига ёрдам бермоқда. К. Эргашева, Д. Тўлаганова, Х. Ҳўжагалиева, Э. Шайхутдинов, Г. Боботоева, Р. Латипов каби ўнлаб ўқувчилар рус тилида чиққан бадиий китобларни систематик равишда ўқиб борадилар. Шунинг учун ҳам улар рус тили дарсидан доимо «5» баҳо олиб ўқимоқдалар.

Мактаб кутубхонасининг мудири Ғ. Ҳасанова ҳам рус тилидаги китобларни ўқувчиларга алоҳида аҳамият беради. Яқинда мактабда китобхонлар конференцияси ўтказилди. Унда кутубхоначи ўртоқ Хатипов «Рус тилида босилган кичик бадиий асарларни ўқиб боришнинг дарсни ўзлаштиришга ёрдами» ҳақида суҳбат ўтказди. Мактабда рус тилини ўрганишга э'тибор тобора кучаймоқда.

Д. СОДИҚОВ.

Мактабда санитария постлари

Отоқли давлат арбоби, машҳур педагог Михаил Иванович Калинин а'лочи ўқувчилар кенгашида сўзга чиқиб, маданият ҳақидаги тушунча жуда кенг ма'нога эга эканлигини, я'ни юзни ювишдан тортиб, то инсон ақлининг энг юқори чўққиларигача маданият эканлигини айтган эди. Шунинг учун ҳам ўқувчиларнинг тозаликка риоя қилишлари ва маданиятли кишилар бўлиб етишишларида мактабларда ташкил этилган санитария постларининг роли катта ва фойдалидир. Қорасув районидаги Ворошилов номли 8-нчи еттийиллик мактабда ўқувчилар орасида санитария-гигиена қоидаларига риоя қилиш намунали йўлга қўйилган.

Мактабдаги ҳарбир синфда санитария пости ташкил қилинган. Санитария постининг а'золари синфга бошқа ўқувчилардан анча олдин келиб, хонанинг тозалигини ва ўқувчиларнинг қўл, бўйин, юз ва қулоқларининг, кийим-бошлари ва дастрўмолларининг тозалигини текшириб чиқадилар. Танаффус пайтида эса синф хоналаридаги форточкаларни очиб, ҳавони янгилаб турадилар. Ҳарбир синфнинг санитария пости қилинган ишларни махсус синфдаги кундалик дафтарга ёзиб боради. Санитария постининг актив а'золаридан Т. Абдуллаева, Т. Азизова (5-нчи синф), Т. А'замова, У. Азизова (6-нчи синф) каби ўқувчилар ўз вазифаларини яхши бажариш билан бирга интизом ва озодаликда бошқаларга намуна бўлмоқдалар.

Синфлардаги санитария постларининг ишига мактаб врачи Мария Бурдина раҳбарлик қилмоқда. Яқинда у ўқувчилар ўртасида «Тишингни тоза сақла!» деган темада қизиқарли суҳбат ўтказди. Мактабда ўтказилаётган бу тадбир натижасида ўқувчиларнинг санитария-гигиена қоидаларига қат'ий риоя қилишларига эришилмоқда.

Х. АБДУРАҲМОНОВ.

ТАНҚИД ВА БИБЛИОГРАФИЯ

„Повесть ва ҳикоялар“ тўплами ҳақида

Раҳмат Файзийнинг Ўзбекистон ССР Давлат нашриёти томонидан нашр этилган «Повесть ва ҳикоялар» тўпламига авторнинг қайта ишлаган «Чўлга баҳор келди» повести ва олтита ҳикояси киритилган. Повесть бундан 4—5 йил муқаддам ёзилиб, унда мавжуд бўлган камчиликлар ўз даврида танқид қилинган эди. Повестьнинг янги вариантида ёзувчи танқиддан тегишли хулоса чиқариб, асардаги камчиликларни тузатганлиги билиниб туради. Партия ва ҳукуматимиз чақиригига асосан неча асрлардан бери сувсизликдан қақраб ётган Мирзачўл ерларини ўзлаштиришга, янги пахта майдонларини барпо қилишга отланган Муҳиддин бошлиқ беш йигитнинг иш фаолияти повестьга асосий тема қилиб олинган. Повестьнинг янги вариантида ёзувчи персонажларнинг ички дун'ёси, уларнинг бой кечирмаларини очишда кўп ўринларда муваффақиятга эришган. Асарнинг бош қаҳрамони Муҳиддин, унинг дўстлари А'зам, Собир, шунингдек Муҳиддиннинг севгилиси Юлдузхон, Ҳосият хола ҳамда Рихсибой образлари устида ёзувчи анча меҳнат қилган.

А'зам образида Мирзачўлга Фарғонанинг Водил қишлоғидан ихтиёрий равишда кўчиб келган, броқ қийинчиликларга бардош беролмай, қайтиб кетиш тараддудига тушиб қолган, сўнг пахтакор дўстларининг та'сири остида бу фикрдан қайтиб, бошқалар қатори ҳалол меҳнат қилишга киришган йигит кўрсатилади. Шунингдек, автор асарга Собир образини ҳам киритган. Асарнинг биринчи вариантида ўқувчи Мирзачўлга кетаётган йигитлар орасида Собирнинг оилавий ҳаёти бузилганлигини ўқиган бўлса, энди ликда бу оилавий бузилишнинг сабабларини, Собирнинг ички кечинмаларини билади. Бу эса образни тўлдирган, уни типиклаштирган.

Ёзувчи повестьнинг янги вариантида қаҳрамонларнинг халқ ишига отланган ватанпарварлик туйғуларини, уларнинг шахсий ҳаётларини, оилавий муносабатларини, муҳаббат қийинчиликларини биринчи мартаба бошидан кечираётган ёш йигитнинг орзу-истакларини, унинг ички кечинмаларини ҳаётий картиналарда акс эттираолган. Бу ижодий изланиш Муҳиддиннинг Юлдузхонга, А'замнинг Неляга, Собирнинг хотини Нафисага бўлган муҳаббатларини тасвирлашда кўринади.

Асарда Ҳосилотота муҳим ўринни эгаллаган образлардан биридир. Асар асосида колхоз ҳосилотн билан ёшлар бригадаси, Тошпўлатов, Акрамов, қолаберса бутун колхозчилар орасидаги конфликт ётади. Ёзувчи ташаббускор, техника янгиликларига интилучи Муҳиддинни янги ташаббусни бўғучи, фан ютуқларидан фойдаланишга тўсқинлик қилучи Ҳосилотота образига карама-қарши қўяди. Булар орасидаги конфликт воқиалар ривожлангансари чуқурлашиб боради. Ҳосилот аввал янги ерни ўзлаштиришга қарши бўлса, кейинчалик пахта экишни кечиктиришга сабабчи бўлади. Лекин бу образ «Чўлга баҳор келди» повестининг биринчи вариантида ма'лум даражада схематик образ бўлиб қолган эди. Бу образнинг юзаки бўлиши эса асар конфликтини сун'ийлаштириб юборган эди.

Қайта ишланган вариантда автор бу образни конкретлаштирган. Энди ликда Ҳосилотота колхоз ишига жонкуяр бўлиб кўринса-да, броқ амалда қайсар, зараркунандачилик, халқ мулкини ўзлаштириб юборишдан тортинмайдиган киши. Уни юқори вазифала ишловчи кўёви қўллаб-қувватлайди. У кўёвига орқа қилиб, ўзининг кўп йилги хизматини пеш қилиб, ёшларни менсимайди. Ҳосилототанинг ножўя хатти-ҳаракати очиқ партия мажлисида муҳокама қилинади. Ёзувчи унинг бу вақтдаги вазиятини жуда усталик билан кўрсатган: «Унинг а'зойи-бадани офтобда қолган мўмдай бўшашиб кетди, чойхонадан то уйигача қай аҳволда етди, катта кўчадан, правление ёнидан ўтиб бордими ёки далани кесиб чиқадиган тут дарахтлари тагидаги сўқмоқдан йўл олдими ўзи ҳам билмайди. Икки табақали эшикнинг от тақасидай халқасини чайир бармоқлари билан қаттиқ сиқи-да, кучи борича эшикни тепиб юборди. Ичкарисидаги занжир шарақлаб, зулфи билан суғирилиб чиқди. Эшик ланг очилиб, Рихсибой ака ўзини ҳовлига отди».

Ҳосилотота образини тўлдиришда хотини Бувиниса (повестьга янги киритилган образ) ҳам ма'лум роль ўйнайди. Бу образнинг киритилиши билан бир тарафдан турмушимизда ҳали ҳам учрайдиган шундай қолоқ кишиларнинг характери умумлаштирилиб берилади, иккинчидан асардаги ижобий хотин-қизлар образи чуқурлашади. Шахсий манфаатини халқ манфаатидан юқори қўйган, эски урф-одатлар асоратидан қутилмаган хотин-қизлар характери Бувиниса образида талқин этилган.

Повестьни ўқиб тамомлар экансиз, унинг ҳали ҳам айрим камчиликлардан холи эмаслигини биламиз. Повестьдаги Тошпўлатов образида ёзувчи партия вакили образини кўрсатмоқчи бўлган. Асарнинг илгариги вариантида ҳам бу образ сун'ий чиққан эди. Янги вариантда ҳам Тошпўлатов образи ба'зи бир ўзгаришлар киритилгани билан, мукаммал, пухта ишланган образ даражасига кўтарилаолмаган. Автор Тошпўлатов тилини ҳам индивидуаллаштиришга етарли э'тибор бермаган.

Повестьда келтирилган айрим эпизодлар, воқиа ва ҳодисалар юзаки тасвирланган. Мирзачўлнинг ўтмиши ҳақида Абдуғафур отанинг Муҳиддинларга қилган ҳикояси, ички ликка қарши кураш ҳақидаги фикрлари, воқиалар ва персонажлар характери билан узвий боғланиб, ишонарли қилиб ёзилмаган.

Броқ юқоридаги камчиликлардан қат'ий назар ёзувчининг танқидга қулоқ солиши ва шу асосда повестьни қайтадан ишлаб, китобхонларга тақдим этганлиги авторнинг ижодий ютуғидир.

Раҳмат Файзийнинг «Қайнана», «Янги йил оқшомида» ҳикоялари тўпламга киритилган асарлари ичида образлар психологиясини, қаҳрамонлар портретларининг ўзаҳқоний, жонли чизилиши билан алоҳида ажралиб туради. «Янги йил оқшомида» ҳикояси асосида ўтмиш сарқитларига қарши кураш темаси ётади. Ёзувчи ҳажм жиҳатидан анча катта бўлган бу ҳикоясида эски урф-одатлар, айниқса ба'зи хотинлар орасида ҳукм сураётган тугун-лавозимда кўтариб юриш каби қолларини сатира остига олади. Совет даврида туғилиб, совет мактабида тарбия олган айрим ёшлар ўртасида бундай эски урф-одатларга қарши курашиш ўрнига, ҳайрихоҳлик қолларини кўриш кечирилмас бир ҳол эканлигини ёзучи кекса жамоатчи Баҳри хола тилидан баён қилади: «... Сенларни ким айтади тушунган, культурний ёшлар, деб, сен инженер бўлсанг, Санобар ҳам ўқиган... тагларингда «Победа»ю, қўлларингда қоп-док тугун. Қаёққа? Меҳмондорчиликка, инженер А'зам Азизовичникига... тағин ҳам машина айбингни бекитибди. «Бўлмаса тугунни шляпа устидан бошингга қўйиб келармидинг?»

Ёзувчи «Қайнана» ҳикоясида ба'зи ойлада ҳали келинга нисбатан қайнаналар томонидан эскича қараш, бутун уй юмушини келин қилиши керак деган тушунчанинг ҳозирги кунда тўғри келмаслиги, буни тушунмаган онлаларнинг тинчлиги бузилиб, бир-бирини хафа қилиш каби ҳодисаларга олиб келишини реал тасвирлаб беради. Ёзучи келинга бир уй хизматчиси каби қаровчи, унинг юмушларига ёрдам бермовчи, меҳмонларда юришни яхши кўрган Рисолат кампир образига, тушунган, онгли, меҳнатсевар, меҳрибон кампир Саври хола образини қарама-қарши қўяди. Келинини ўз қизи каби кўриб унга ёрдам беручи Саври хола қўшниси Рисолатнинг ҳақсизлигини қоралайди. Лекин бу яхши ҳикояда ҳам айрим камчиликлар бор. Бу камчилик ёзучининг бошқа ҳикояларида ҳам, повестида ҳам учрайди. Ёзучи айрим эпизодларни танлаш ва тасвирлашда сун'ийликка, кўпсўзликка йўл қўяди. Бунинг натижасида асарнинг сюжет линияси сусайиб қолади. «Қайнана» ҳикоясида Рисолат кампирнинг келинга бўлган муносабати Саври хола қайнанасининг Саврига муносабатидан фарқ қилмайди. Ёзучи Саври холанинг ўз қайнанаси ҳақидаги хотираси билан Рисолат холанинг келинига муносабатининг ўтмишга хос эканлигини кўрсатмоқчи бўлади. Лекин Саври хола ўз қайнанасини эслаши эпизоди жуда чўзилиб кетган.

Тўпламга кирган «Ғўзал», «Сувчи», «Пўлда», «Кузатиш» асарлари бадиий жиҳатдан бўш ҳикоялардир. Чунки бу ҳикояларда қўйилган масала қанча актуал бўлмасин, уларда олға сурилган ғояни ифодалашда ёзучи муваффақиятсизликка учраган. «Кузатиш» ҳикояси адабиётимизнинг муҳим темаси — партия чақиригига жавобан қўриқ ерларни ўзлаштиришга отланган ёшлар ҳаётига бағишланган ҳикоя конфликтининг сун'ий, енгил-елпи ҳал қилинишги асарнинг муваффақиятсиз чиқишига олиб келади. Инженер Зокиржон партия чақиригига жавобан хотинидан бемаслаҳат ўз хоҳиши билан қишлоққа ишга кетиш учун ариза беради. «Бу қадаминг, бугун-эрта, бир ойдан кейин эмас, бутун умр бўйи ҳаётингдаги унитилмас воқиа бўлиб қолади» деб тушинади Зокиржон.

Ўқучи Зокиржонни бундай дадил, хотинидан бемаслаҳат бу ишга қадам қўйганидан, Зокиржон жуда хотинига ишонар экан, боришига шубҳа қилмаган, шунинг учун иккиланмасдан шу қарорга келган деб ўйлайди. лекин Зокиржоннинг бу ҳаракати хотинига бирдан ма'қул тушмайди. «Мен бормайман, ўзингиз бораверасиз» дейди. Эру-хотин орасида келиб чиққан келишмовчилик асар асосидаги конфликтдир, лекин бу конфликт енгил-елпи бўлиб, ишончли ҳал қилинмайди. «Бормайман» деб ўжарлик қилиб турган хотин бирдан кетиш тараддудига тушиб қолади. Ёзучи Хайриханнинг бундай тез ўзгаришга сабаб қилиб Зокиржоннинг хотинини қаттиқ севишини кўрсатади. Ҳолбуки, ўқучи эр-хотин орасидаги келишмовчилик ҳақида ҳеч нарса билмайди. Асарда конфликтнинг уйдирма бўлиши темасинг қандай актуал бўлишидан қат'ий назар, ҳикояни муваффақиятсизликка олиб келади.

Ёзучи «Сувчи» ҳикоясида колхозчиларнинг маданий-фаровон ҳаётини кўрсатишни мақсад қилиб қўяди. Лекин бу мақсад ҳикояда ўзининг тўла бадиий ифодасини топмаган. Ҳикоя колхозчиларнинг маданий ҳаёти ҳақида очерк ёзиш мақсадида қишлоққа чиққан мухбир тилидан олиб борилади. Бу приём адабиётимизда қўлланилади. Лекин асарда воқианинг йўқлиги, ҳалол меҳнат билан танилган на сувчи ва на бирнеча йиллар орасида ўзгариб кетган қишлоқ ҳаёти тасвирланмаганлиги уларни мухбирнинг ички дун'ёсига, кечирмаларига боғлаб берилмаганлиги ҳикоя сюжетини хиралаштириб юборган.

Раҳмат Файзийнинг «Чўлга баҳор келди» повестининг янги варианти билан танишган ўқучи, ёзучидан келажакда ўз ҳикояларини қайта кўриб чиқишига, учраган камчиликларни тузатишига, шунингдек, келажакда қўлаб янги асарлар ижод этишига ишонади.

М. СУЛТОНОВА

Филология фанлари кандидати.

ЧЕХОСЛОВАКИЯ РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛАТ МАЖЛИСИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ МОСКВАДА БЎЛИШИ

СССР Олий Советининг таклифига мувофиқ, Чехословакия Республикаси Миллат Мажлисининг делегацияси 16 мартда Москвага келган эди. СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг Раиси А. П. Волков ва СССР Олий Совети Миллатлар Советининг Раиси В. Т. Лацис 17 мартда Миллат Мажлиси Раиси Зденек Фирлингер бошчилигидаги делегацияни қабул қилдилар.

Самимий, дўстона суҳбат вақтида А. П. Волков Чехословакия делегациясининг Совет Иттифоқига келиши Чехословакия ва Совет Иттифоқи халқлари ўртасидаги қардошларча алоқаларни янада кўпроқ мустаҳкамлашга ёрдам беради, деб ишонч билдирди. В. Т. Лацис, меҳмонлар Совет Иттифоқида совет халқининг ҳаёти ва муваффақиятлари билан танишиш учун катта имкониятларга эга бўладилар, деди. Суҳбат вақтида Чехословакия Республикаси Миллат Мажлиси делегациясининг СССРда сайёҳат қилиш программаси ҳам муҳокама қилинди.

Чехословакия Республикаси Миллат Мажлисининг делегацияси Москва билан танишишни Москва Кремлини бориб кўришдан бошлади. Меҳмонлар Катта Кремль саройида — СССР Олий Советининг мажлислар залида, Грановитая палатада, Георгиевский залида бўлдилар. Шундан кейин улар В. И. Ленининг Кремльдаги иш кабинетини ва квартирасини, СССР Министрлар Советининг мажлислар залини бориб кўрдилар.

Делегация В. И. Ленин ва И. В. Сталин Мавзолейига бориб, гулчамбар қўйди.

Тушдан кейин Москва Совети ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари А. Г. Зайцев делегация аъзоларини қабул қилди.

Кечқурун меҳмонлар Станиславский ва Немирович-Данченко номли музика театрида А. Спадавеккианинг «Бахт қирғоғи» балетини тамоша қилдилар. Театрда СССР Олий Советң Миллатлар Советининг Раиси В. Т. Лацис, СССР Олий Совети Президиуми секретарининг ўринбосари А. Ф. Горкин ва бошқа расмий кишилар меҳмонлар билан бирга бўлдилар. Спектакль бошланиши олдидан РСФСРда хизмат кўрсатган артист, театр директори Г. И. Поляков меҳмонларни самимий табриклади. Тамошабинлар Чехословакия Республикаси Миллат Мажлисининг делегациясини қизғин қарсаклар билан кутиб олдилар. (ТАСС).

СОВЕТ ЭНЕРГЕТИКЛАРИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ АНГЛИЯДА БЎЛИШИ

ЛОНДОН, 17 март. (ТАСС). Англияга келган совет энергетиклари делегацияси бугун Лондондаги 512 минг киловатт қувватли энг катта Баттерси электростанциясини бориб кўрди. Электростанция ходимлари делегатларни станция хўжалиги билан, станциядаги асосий агрегатларнинг қисмлари билан таништирдилар, водород билан совутиладиган ва яқинда ишга туширилган генераторнинг ишини кўрсатдилар.

Кеча тушдан кейин делегатларнинг бир группаси Маркази[illegible] энергетика бошқармасига борди. Улар бу ерда мамлакатни электр қуввати билан таъминлаш системасини реконструкция қилиш планлари билан батафсил таништириб чиқдилар.

Кеча кечқурун ташқи ишлар бўйича давлат министри лорд Рединг совет делегацияси шарафига ва делегация бошлиғи, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Г. М. Маленков шарафига қабул маросими ўтказди. Қабул маросимида ташқи ишлар министрининг доимий ўринбосари Киркпатрик, лорд Эттли ва лордлар палатасининг ҳамда умум палатанинг бошқа аъзолари, бирқанча министрликлар ҳамда бошқармаларнинг мас'ул ходимлари, СССРнинг Буюк Британиядаги элчиси Я. А. Малик ва совет элчихонасининг мас'ул ходимлари ҳозир бўлдилар.

Қабул маросимидан кейин Марказий энергетика бошқармасининг раиси лорд Ситрин делегация шарафига зиёфат берди. Зиёфатда ёқилғи ва энергетика министри О. Жонс, Марказий энергетика бошқармаси раисининг ўринбосари Генри Селф, Англия энергетика системасининг мас'ул ходимлари, мутахассис энергетиклар ҳозир бўлдилар. Зиёфатда СССРнинг Буюк Британиядаги элчиси Я. А. Малик ҳам ҳозир бўлди.

Лорд Ситрин зиёфат вақтида сўзлаган нутқида кейинги вақтларда Англия мутахассислари ўз мамлакатида кўпгина совет мутахассисларини табрикланганликларини қайд қилиб ўтди. Лорд Ситрин Совет Иттифоқига беш марта борганлигини айтиб, совет кишилари ўз мамлакати ҳатто урушнинг энг оғир кунларини бошидан кечирган даврда ҳам уларнинг саммияти ва меҳнонўстлигига доим ишонч ҳосил қилганлигини уқтириб ўтди.

«Мен, — деди лорд Ситрин, — совет кишиларини Волхов ва Днепр дарёларида ўзларининг биринчи гидроэлектро-станцияларини вужудга келтирган пайтларида ҳам зўр ғайрат билан ишлаётганликларини кўрдим. Улар электростанцияларни кўпайтириш кишиларнинг фаровонлигини ошириш ва уларни бахтиёр қилиш ишига жуда катта ҳисса қўшажагини яхши англадилар. Мен Ленининг мамлакатни электрлаштириш юзасидан тузган буюк план ва проектларига ўша вақтдаёқ қойил қолган эдим».

Шундан кейин ёқилғи ва энергетика министри Жонс нутқ сўзлаб айтдики, инглизлар Ленининг: «Коммунизм — Совет Иттифоқи плюс бутун мамлакатни электрлаштириш демакдир» деган машҳур шиорини эсда тутадилар ва Совет Иттифоқининг шу йўлдан ривожланиб боришини, жуда йирик гидроэлектро-станциялар қурилишини эътибор билан кузатиб турибдилар. Жонс англияли энергетиклар совет мамлакатидан келган меҳмонларни кенг миқёсдаги ишлар билан ҳайратда қолдираолмасалар керак деб таъкидлаб, меҳмонлар Англияда техника жиҳатидан фойдали ва мароқли бўлган баъзи нарсаларни кўриб билаолади лар, деб ишонч билдирди. «Делегациялар айирбошлаш, — деди у, — янада кенгроқ миқёсда ривожлантирилсин. Бу нарса ўзаро ҳамжиҳатликни кучайтириш ва идеалларимизни ўзаро ҳурмат қилиш ишига ҳисса бўлиб қўшилсин».

Г. М. Маленков ўзининг жавоб нутқида бундай деди:

Биз, совет мамлакатидаги электростанциялар ва электр саноатининг ходимлари Буюк Британияда электр қуввати билан таъминлаш ва электр саноати соҳасида ишлаётган ходимлар билан алоқа, ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик ва дўстликни ривожлантиришни истаймиз.

Атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш юзасидан ўтган йил ёз фаслида Женевада бўлиб ўтган конференция тажрибаларни ва илмий фикрларни айирбошлашнинг яхши намунаси бўлди. Маълумки, бу конференцияда совет ва инглиз олимлари актив қатнашган эдилар.

Биз, деб сўзини давом эттирди Г. М. Маленков, тажриба ва илмий фикрларни айирбошлаш электр қуввати олиш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишлабчиқариш тармоқларида ғоят кенг миқёсда олиб борилишини истар эдик. Биз айрим махсус масалалар юзасидан ҳамкорлик ўрнатишни ўз олдимизга вазифа қилиб қўямиз ва шу билан бирга бошқа бир масалани, ҳаммамизнинг олдимизда турган энг муҳим вазифани, яъни мустаҳкам тинчлик ва умумий хавфсизлик бўлишини таъминлаш вазифасини ҳал этишни кўзда тутамиз. Халқ хўжалигининг айрим тармоқларини ва Буюк Британия ҳамда Совет Иттифоқи халқларинигина эмас, балки бутун дунёё халқларини ҳам гуллаб-яшнатиш ва фаровон қилиш ана шу проблема билан боғлиқдир.

Биз шунга аминмизки, бизнинг учрашувларимиз ва ҳамкорлигимиз ишлабчиқариш-техника ва халқ хўжалиги проблемаларини ҳал этишга ҳам, халқларнинг тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлаш ишига, мамлакатларимиз ўртасида маҳкам дўстона муносабатларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш ишига ҳам фойдали ҳисса бўлиб қўшилади.

ИРЭН ЖОЛИО-КЮРИ ВАФОТ ЭТДИ

ПАРИЖ, 17 март. (ТАСС). Франциянинг машҳур жамоат арбоби ва йирик олим — физик, Жаҳон Тинчлик Кенгашининг аъзоси Ирэн Жолио Кюри хоним бугун кечаси вафот этди.

* * *

ПАРИЖ, 17 март. (ТАСС). Радиохимия ва атом ядроси физикаси соҳасидаги буюк француз олимларидан бири, отоқли жамоат арбоби, Жаҳон Тинчлик Кенгашининг аъзоси Ирэн Жолио-Кюри хоним бугун вафот этди.

Ирэн Жолио-Кюри радийни кашф этган машҳур француз олимлари Пьер Кюри ва Мария Кюри-Склодовскаянинг қизидир. Ирэн Жолио-Кюри атом ядроси тўғрисидаги фанни ривожлантиришда катта роль ўйнади. У ўз эри профессор Фредерик Жолио-Кюри билан биргаликда сун'ий радиактивни кашф этди ва ёруғликни жисмга айлантириш мумкин эканлигини тажрибада асосида исбот қилди.

Ирэн Жолио-Кюри Франциянинг илмий-текшириш муассасаларида кўп марта раҳбарлик лавозимларида ишлади, мустақил равишда ёки Фредерик Жолио-Кюри билан биргаликда 54 илмий асар ёзди. Ирэн Жолио-Кюрининг илмий ишлар соҳасидаги обрўси Францияда ва бошқа мамлакатларда ҳам кенг эътироф этилди. У кўпгина илмий жамиятларнинг аъзоси, СССР Фанлар Академиясининг, Бельгия король медицина академиясининг, Ҳиндистон Фанлар академиясининг четэлли корреспондент аъзоси эди; унга Эдинбург университети, Осло университети ва бошқа бирқанча университетлар томонидан доктор деган фахрий илмий даража берилган эди.

Француз халқи шонли қизининг вафот этганлиги тўғрисидаги хабар демократик жамоатчиликни ғоят қайғиртирди. Ирэн Жолио-Кюри фашизмга қарши олиб борган ишлари туфайли Франциянинг энг яхши, прогрессив кучлари билан чамбарчас боғланган эди. Гитлерчилар оккупациясининг оғир йилларида Ирэн Жолио-Кюри француз халқининг фашистларга қарши олиб борган курашида актив қатнашди. Урушдан кейин у тинчлик тарафдорлари ҳаракатида қатнашиб, ўз кучларини тинчлик учун курашга бағишлади.

Ирэн Жолио-Кюри Совет Иттифоқининг самимий дўсти эди.

ФРАНЦИЯ-ТУНИС МУЗОКАРАЛАРИ ТУГАДИ

ПАРИЖ, 18 март. (ТАСС). Франс Пресс агентлиги хабар беради: музокараларда қатнашувчилар ўртасидаги ихтилофлар натижасида кеча Парижда тўхтаб қолган Франция-Тунис музокаралари кейинчалик яна бошланди ва қўшма протокол тўғрисида бир фикрга келиш билан тугади. Бунинг олдидан Франция ташқи ишлар министри Пино Тунисдаги «Нео-Дестур» деган тақсирли партиянинг раҳбари Бургиба билан учрашди. сўнгра Пино ҳукумат бошлиги Ги Молле билан маслаҳатлашди. Бургиба эса Тунис делегациясининг аъзолари билан суҳбат қилди.

Франция ташқи ишлар министрлиги кеча кечқурун «Тунисни мустақил деб ва уни Франция билан ўзаро боғлиқ деб эълон қилиш тўғрисида Франция билан Тунис ўртасида узил-кесил келишилди» деб расмий равишда эълон қилди.

Шунингдек, Франция-Тунис битими 20 мартда имзоланади, деб ҳам эълон қилинди.

Совет ҳукумат делегацияси Варшавадан жўнаб кетди.

ВАРШАВА, 17 март. (ТАСС). Польша Бирлашган Ишчи Партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Болеслав Берутни дафн қилишда қатнашган совет ҳукумат делегациясининг аъзолари: РСФСР Министрлар Советининг раиси М. А. Яснов, Украина ССР Министрлар Советининг раиси Н. Т. Кальченко, Белоруссия ССР Олий Совети Президиумининг раиси В. И. Козлов, Литва ССР Олий Совети Президиумининг раиси Ю. И. Палецкис, Москва Советининг раиси Н. И. Бобровников бугун Варшавадан ўз юртига жўнаб кетдилар.

ПОЛЬША БИРЛАШГАН ИШЧИ ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ А'ЗОЛАРИ БОЛЕСЛАВ БЕРУТНИ ДАФН ҚИЛИШ МАРОСИМИГА КЕЛГАН ЧЕТЭЛ ДЕЛЕГАЦИЯЛАРИ БЛАН УЧРАШДИЛАР

ВАРШАВА, 17 март. (ТАСС). Польша матбуот агентлиги хабар беради: 16 мартда Варшавада Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий комитетининг аъзолари Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий комитетининг биринчи секретари Болеслав Берутни дафн қилиш маросимида қатнашган четэл делегациялари билан учрашдилар. Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий комитети Сиёсий бюросининг аъзоси Эдвард Охаб четэл делегацияларининг аъзоларига Болеслав Берут хотирасини ҳурматлаш мақсадида Варшавага келганликлари учун Польша Бирлашган ишчи партиясининг Марказий комитети номидан чин қалбдан ташаккур билдирди.

Эдвард Охаб, мотам маросимида жуда кўп четэл делегацияларининг қатнашганлиги Польша Бирлашган ишчи партиясининг барча коммунистик ва ишчи партиялар билан қардошларча бирдамлигини мустаҳкамловчи яна бир восита бўлди, деб айтди.

А. А. Громико Лондонга келди

ЛОНДОН, 18 март (ТАСС). СССР Ташқи Ишлар Министрининг Биринчи ўринбосари А. А. Громико бугун Лондонга келди. У БМТ Қуролсизланиш комиссияси Кичик комитетининг сессиясида Совет Иттифоқининг вакили сифатида қатнашади. Кичик комитет 19 мартда ўз ишини бошлайди.

СССРнинг Ҳиндистонга ёрдами

ДЕҲЛИ, 17 март. (ТАСС). «Ҳиндустан Таймс» газетасининг хабарига қараганда, Ҳиндистон саноат министри Канунго Ҳиндистон халқ палатасида баёнот бериб, совет ҳукумати фармацевтика саноатини ривожлантиришда Ҳиндистонга ёрдам берадиган бўлди, деди. Канунгонинг айтишича, совет ҳукумати маҳаллий фармацевтика саноатини ўрганиш ва уни ривожлантириш планини ишлаб чиқиш учун Ҳиндистонга бир группа мутахассислар юборган.

Хитойдаги деҳқон хўжаликларининг 85 проценти қишлоқ хўжалик ишлабчиқариш кооперативларига аъзо бўлиб кирди.

ПЕКИН, 18 март. (ТАСС). «Жэньминьжибао» газетаси билдиради: 17 мартда халқ вакиллари Умумхитой мажлиси доимий комитетининг 33-нчи йиғилиши бўлди. Бу йиғилишда қишлоқ хўжалик ишлабчиқариш кооперативининг намунали устави проекти муҳокама қилинди.

Доимий комитет ХХР Давлат Кенгашининг бош министри Чжоу Энь-лайнинг докладини эшитди ва кооперативнинг намунали уставини қабул қилди. Халқ вакиллари Умумхитой мажлиси доимий комитетининг қарорида, жумладан, бундай дейилади: Ҳозирги вақтда Хитойда деҳқон хўжаликларининг 85 проценти қишлоқ хўжалик ишлабчиқариш кооперативларига аъзо бўлиб кирди. Шу билан бирга бу хўжаликларнинг тахминан 60 проценти тамомила социалистик типдаги кооперативларга бирлашди.

«Жэньминьжибао» газетаси бугунги сонида Хитой Халқ Республикаси раиси Мао Цзэ-дуннинг қишлоқ хўжалик ишлабчиқариш кооперативининг намунали уставини эълон қилиш тўғрисидаги фармонини босиб чиқарди.

Жаҳон Тинчлик кенгаши фавқулодда сессиясининг очилиши олдидан

ВЕНА, 17 март. (ТАСС). Жаҳон Тинчлик Кенгаши секретариатининг билдиришига қараганда, 1956 йил 5 апрельда Стокгольмда Жаҳон Тинчлик Кенгашининг фавқулодда сессияси очилади. Сессия қуролсизланиш ва атом қуролини тақиқлаш проблемасини муҳокама қилади.

Данияда Совет Иттифоқи учун рефрижератор қурилди

КОПЕНГАГЕН, 17 март. (ТАСС). Кеча «Бурмейстер ог вайн» фирмасининг кемасозлик заводида Бутун иттифоқ «Судоимпорт» экспорт-импорт бирлашмасининг закази бўйича қурилган «Самарқанд» рефрижератори сувга туширилди. Кемани сувга тушириш маросимида СССРнинг Данияда элчиси Н. В. Славин, савдо вакили И. Т. Кочуров, элчихонанинг ва савдо ваколатхонасининг мас'ул ходимлари, шунингдек фирма дирекциясининг вакиллари, инженерлар ва ишчилар ҳозир бўлдилар.

Даллес Сеулга келди

ПАРИЖ, 17 март. (ТАСС). Франс Пресс агентлигининг мухбири Сеулдан хабар беради: АҚШ давлат секретари Даллес қисқа муддатли визит билан бугун бу ерга келди. У шу куниёқ Ли Син Мам билан учрашди ва у билан бирқанча масалаларни муҳокама қилди.

Даллес эртага Токиога учиб кетади.



Юк ва енгил автомашиналар, пассажир ташувчи гигант автобус-дизельлар Луначарск шоссеси бўйлаб тинмай гизиллаб ўтмоқда. Уларнинг баъзилари Луначарск қишлоғига, баъзилари эса ундан нарига йўл олмоқда.

Мана, Луначарск қишлоғи... Бу қишлоқнинг илгарилари Никольск деб аталганидан, шубҳасиз, жуда кўп одамлар бехабар. Шунингдек, унинг ҳаммани ғоят қизиқтирадиган тарихи ҳам ҳали кўпчиликка маълум эмас.

Демобилизация қилинган рус солдатлари 1880 йилда Туркистон ўлкасининг подшолик ҳокимларига мурожаат қилиб, дон экиш учун ўзларига Тошкент яқинида жойлашган Шўртепадаги давлатга қарашли ерлардан бир қисмини ажратиб беришни сўрайдилар. Бунга қадар одамлар Шўртепадаги яйловларда мол ҳайдаб боқар, пичан ўрар, қалин ўсган қамишларни ёқилғи ўрнида фойдаланиш мақсадида ўриб олар эдилар.

Солдатларнинг илтимосини қондириш учун комиссия тузилди. Бу комиссия томонидан деярли 4 минг десятина майдондаги ер планга олинди. Ажратилган ана шу ерга демобилизация қилинганликларнинг 286 оиласини жойлаштириш мўлжалланди.

Кейинчалик Никольск посёлкаси деб номланган мазкур кичик посёлканинг планини тузиш ишлари икки йилга чўзилди. Унинг марказий кўчасига маҳаллий ма'мурлар томонидан дарахт кўчатлари ўтказилди. Бу ўша вақтда катта воқеа сифатида қайд этилди.

Генерал-губернатор: «Посёлка фақат рус миллатидан бўлганлар учун қурилмоқда» деган қат'ий қоидани ўрнатди. Ер участкасини кишиларга ма'лум шарт билан, яъни истиқомат қилинаётган дастлабки йилдаёқ ерни ишлашга киришиш ва иккинчи йилда қўрғон қуриш шарти билан берилди. Аммо посёлка қурилиши фақат тўрт йилдан сўнг—1884 йилда битказилди. Шу йил Никольск посёлкасига асос солинган йил бўлиб қолди. Посёлкада атиги 145 оила яшайди. Буерда 4 чақиримлик кўча, икки чақиримга яқин дала кўчалари очилди, 34 чақирим узунликда ариқ ковланди.

Орадан 30 йил ўтди. 1915 йилда янги посёлка ривожининг дастлабки натижалари якунланди. Лекин мактангудек ҳеч нарсанинг йўқлиги ма'лум бўлди. Ўтган давр ичида хонадонлар сони атиги 300 тага кўпайди, аҳолининг сони эса 2 мингтага ортди. Қишлоқда бир черков, иккита кичкина мактаб биноси қад кўтарди.

Улуг Октябрь социалистик революцияси ана шу посёлка ҳаётида ҳам бутунлай янги давр—янги ривожланиш даврини бошлаб берди. У Луначарский номи билан юритилабошлагач бизнинг кунларимизда, совет тузуми даврида ўз қиёфасини мисли кўрилмаган даражада ўзгартди. Эндиликда мазкур посёлкада яшовчилар ҳақли равишда фахрланиб:

— Бизнинг ўз фанлар академиямиз бор,—дейдилар. Бу жуда ҳам тўғри. Чунки Луначарск посёлкасида Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг қишлоқ хўжалик, ботаника ва энергетика институтлари, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг чорвачилик илмий-текшириш институти ишлаб турипти.

Никольск қишлоғида яшаган Ризамат Мусамуҳамедов Улуг Октябрь социалистик революциясига қадар ҳеч кимга ма'лум эмас эди. Совет ҳокимияти йилларида эса у отоқли «Халқ узумчи селекционери» деган фахрли номга, Сталин мукофоти лауреати деган шарафли унвонга эга бўлди.

Луначарск қишлоғида меҳнаткашлар учун бирнеча даволаш муассасалари очилган. Неврология санаторийси, пионер лагерьлари, 2 касалхона ва бирнеча дам олиш уйи ана шундай муассасалар жумласидандир.

Революцияга қадар бу ерда фақат биттагина кичкина фельдшерлик пункти бор эди. Ҳозир эса 100 та яқин медицина ходими ишламоқда. Иккита ҳунармандчилик артели ишлаб турипти.

Посёлкада аҳоли сонининг ўн баравардан кўпроқ ўсиши билан бирга уй-жой биноларининг сони ҳам ўсди. Бу ерда почта, телефон станцияси, шаҳарлараро сўзлашув пункти, радиоузел, аптека, қишлоқ электростанцияларини эксплуатация қилиш бўйича Тошкент область контораси, юридик консультация, якка буюртмалар мастерскойи, маданият ва истироҳат парки, кино зали ва катта кутубхонага эга бўлган маданият уйи жойлашган.

Луначарскда эндиликда 2 та ўн йиллик ва 1 та еттийиллик мактаб бор. Уларда 2 мингдан ортиқ бола та'лим олмоқда. Қишлоқдаги энг гўзал бинолардан бирида Кар-соқовлар республика мактаби жойлашган. Луначарск яқинида жойлашган колхоз раҳбар кадрлари республика мактаби ўз ишини муваффақиятли давом эттирмоқда.

Луначарск қишлоғи бизнинг кунларимизда Ўзбекистондаги энг йирик пахтакор районлардан бири — Оржоникидзе районининг ма'мурий марказига айланди.

Собиқ Никольск — ҳозирги Луначарск посёлкаси бугун яшнаб-гуллаган—истиқболи порлоқ социалистик қишлоққа айланиб қолди.

А. РЯБЦЕВ.

Суратда: Луначарск қишлоғидаги уй-жой бинолари.

В. Салов фотоси.

ХРОНИКА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига мувофиқ ўртоқ **Ғ. У. Алиев** бошқа ишга ўтиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Коммунал хўжалик министри вазифасидан озод қилинди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қарорига мувофиқ, ўртоқ **Ғ. У. Алиев** Ўзбекистон ССР Госплани раисининг ўринбосари қилиб тайинланди.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

Спорт хабарлари

«Динамо» стадионида футбол бўйича ўртоқлик учрашувлари бўлиб ўтди. «Б» класс мастерлари бўлган Округ Офицерлар Уйининг командаси «Уражай» (Олмаота) командасини қабул қилди. Уйиннинг биринчи ярмида ТОДО командаси кучли ҳужумга ўтса-да, меҳмонларнинг қаттиқ қаршилигига учради. Уйиннинг 14-нчи минутида меҳмонлар ҳисобини очишга муваффақ бўладилар. Бироз вақт ўтгач, «Динамо» командаси дарвозасига иккинчи тўпни уриб киритади.

Уйиннинг иккинчи ярмида меҳмонлар янада кескин ҳужумга ўтиб, яна бир тўпни уриб киритадилар. Шундай қилиб, олмаоталилар 3:0 ҳисоби билан ғалаба қилдилар.

* * *

«Динамо» жамиятининг баскетбол майдончасида ёзги спорт мавсумининг очилишига бағишланган баскетбол бўйича блиц турнир ўтказилди.

Дастлаб «Динамо» ва «Буревестник» жамиятларининг ёш баскетболчилари учрашди. Бунда «Динамо» командаси мағлубиятга учради. ТОДО ёшлар командаси билан «Локомотив» баскетболчилари ўртасидаги учрашув Округ Офицерлар Уйи ёш спортчилари фойдасига ҳал бўлди.

«Динамо» қизлар командаси «Локомотив» баскетболчилари устидан 11:3 ҳисоби билан ғолиб чиқди. «Локомотив» командаси «Буревестник» баскетболчиларига ютқазди.

Ҳал қилувчи учрашувда «Динамо» баскетболчилари «Буревестник» командасини 14:4 ҳисоби билан ютади. Шундай қилиб бу команда биринчи ўринни эгаллади.

Баскетбол мусобақаларида биринчи ўринни эгаллаган командаларга шаҳар физкультура ва спорт комитетининг биринчи даражали дипломи топширилди.

А. КИМ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 20/III да **Бир шахснинг масаласи**, 21/III да **Қутлуғ қон**.

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 20/III да **Ўзбекистон сан'ат усталарининг концерти**. Концерт кеч соат 8 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 21/III да **Фарҳод ва Ширин**.

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА (Навоий кўчаси. 69) — 21,22,23,24,25/III да **Хоразм область театрининг концертлари**. Ўзбекистон ССР халқ артисти **Султонпошшо Раҳимова** ва бошқалар қатнашади. Концерт кеч соат 8 яримда бошланади.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 21/III да **Пан То Си аттракциони, Тува цирк артистларининг гастрольлари**, ноғорий ўйинлари ва бошқа номерлар. Тамоша кеч соат 8 да бошланади.

«РОДИНА» — кундуз **Бугун кечқурун ҳаммаси тамом бўлади**, кечқурун **Мен ва хотиним**.

НАВОИЙ НОМЛИ — кундуз **Ефрейтор Кочетков ҳодисаси**, кеч соат 5 дан янги болгар бадиий фильми **Нотинч йўл**.

«ЁШ ГВАРДИЯ» — кундуз соат 12—10 минут ва соат 2 да янги хитой фильм-концерти **«Цирк тамошаси**, қолган сеансларда **Бугун кечқурун ҳаммаси тамом бўлади**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

26 мартдан 4 апрельгача
Ўқувчиларнинг баҳорги каникул кунларида

КАТТА

кундузги тамошалар

Тамошалар кундуз соат 3 да бошланади.

Билетлар сотилмоқда.

«ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз ва кечқурун **Нотинч йўл**.

Газета ва журналларга

1956 йил учун обуна қилиш давом этмоқда

ГАЗЕТАЛАР:

«Қизил Ўзбекистон»,
«Правда Востока»,
«Ўзбекистони сурх»,
«Тошкент ҳақиқати»,
«Ташкентская правда»,
«Совет Ўзбекистони маданияти»,
«Ёш ленинчи»,
«Комсомолец Узбекистана»,
«Ленин учқуни».

ЖУРНАЛЛАР:

«Ўзбекистон коммунисти»,
«Агитатор блокноти»,
«Блокнот агитатора»,
«Социалистик Ўзбекистон»,
«Муштум»
«Ўзбекистон хотин-қизлари»,
«Пионер»,
«Шарқ қолдузи»,
«Звезда Востока»,
«Фан ҳақида суҳбатлар»,
«Сиёсий ва илмий билимларни тарқатувчи Бутуниттифоқ ва Ўзбекистон жамиятларининг лекциялари».

Рангли фотоплакатлар сериями.

Обуна «Союзпечать» ва почта бўлимларида, ўқув юртлари, муассаса, фабрика-завод, МТС, колхоз ва совхозлардаги жамоат обуна вакиллари ҳамда почтальонлар томонидан қабул қилинади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ. Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 132, Маданият бўлими — 132, Адабиёт ва сан'ат бўлими — 39040. Қишлоқ хўжалик бўлими — 39040. Саноат ва транспорт бўлими — 132 Хатлар бўлими — 34048. Маҳаллий ахборот бўлими 135. Секретариат — 34048. Эълонлар бўлими — 38142.

Р. 00685

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси.

Нашр №1398.